

Xabar

22
(819)-son

30-may

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



Samsung kompaniyasi 256 gigabayt sigimga ega yangi SSD-saqlagich (flash-karta) taqdimotini utkazdi.

Koreyaliklarning SSD-saqlagichi 200 megabayt/soniya tezlikda ishlaydi, kuchirish tezligi esa 160 megabaytga teng.

Ommaviy savdosi joriy yilning sўngi oylariga mўljallangan yangi saqlagichlar 2,5 va 1,8 duym (6,35 va 4,57 santimetr) kattalikda ishlab chiqariladi.



Ушбу сонда

Бошқарувда АКТИ қўллаш

2-бет

“Фаргона Телеком”нинг умидли ёшлари

5-бет

Информационные технологии

как залог конкурентоспособности на рынке авиаперевозок

6-бет

Компьютер сабоқлари

11-12-бетлар

Юксалиш

13-бет

Меҳру ардоғимизда бўлсин

16-бет



ОХВАТА
ПУБЛИКИ УЗБ

4 МИЛЛИОНЛИК ДОВОН

Бунга «МТС — Ўзбекистон» юқори сифат ва тезкор тезкор хизмат туфайли эришди

Мобил алоқа хизмати... Бугунги кунда усиз ҳаётимизни тўлақонли тасаввур қилолмаймиз. У кексаю ёшнинг беминнат дастёрига айланди. Юртимизда алоқа хизматининг бу тури жадал ривожланмоқда. Бунга республикаимиз иқтисодиётининг равнақ топаётганлиги ҳамда фуқароларимизнинг моддий имкониятлари тобора ўсиб бораётганлиги сабаб бўлмоқда. Мижозларга сифатли мобил алоқа хизмати кўрсатишда масъулияти чекланган жамият шаклидаги “МТС-Ўзбекистон” (“Ўздунробита”) хорижий корхонасининг ҳам муносиб ўрни бор.

3-бет



O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK
SUG'URTA - KOMPANIYASI

Кенг қамровли
сугурта хизматлари

тел. (+998 71) 173-80-05, факс (+998 71) 173-80-06



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернетни

JUMADAN — JUMAGACHA

✓ Болгария ва Руминия республикаларининг Европа Иттифоқиға аъзо бўлиб кириши муносабати билан жорий йилнинг 20 майида Брюссел шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда унга аъзо мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни таъсис этувчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим учун протокол имзоланди.

✓ Буюк Британия парламентида Ўзбекистон Республикасининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг Лондондаги элчихонаси ҳамда Ташқи ишлар ва Британия ҳамдўстлиги бўйича консерватив кенгаш ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Буюк Британиянинг консерватив партияси аъзолари, ушбу мамлакатнинг расмий, жамоатчилик ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Тадбир доирасида "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати" мавзусидаги брифинг ўтказилди.

✓ Самарқандда "Талабалар баҳори — 2008" ёшлар фестивали тантанали равишда ўтказилди.

Фестивал дастурига кўра иштирокчилар 4та йўналишга бўлинган ҳолда иш олиб боришди ва шу асосда гуруҳлар шакллантирилди. Булар — "Ижтимоий-сиёсий", "Истеъдодли ёшлар", "Маънавий-маърифий" ҳамда "Спорт" йўналишларидир. Фестивал давомида иштирокчилар Самарқанд вилоятида олиб борилган бунёдкорлик ишлари, ёшлар ҳаёти билан танишишди, тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишди.

✓ Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Хитой Халқ Республикасининг зилзиладан талафот кўрган аҳолисиға инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Ўзбекистоннинг 50 тоннаға яқин беғараз кўмагининг дастлабки 25 тоннаси — палаткалар, кўрпаклар, озиқ-овқат ва бошқа зарур ашёлар 22 май кунини Урумчи шаҳри аэропортига келтирилди.

Урумчи шаҳрида Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдамиғи Хитой Халқ Республикасининг расмий вакиллариға топшириш маросими бўлди.

✓ Тошкент ислом университетида "Ёшлар ва миллий-диний кадриятларға муносабат маданияти" мавзусида анъанавий илмий-амалий форум бўлиб ўтди.

Ёшлар йилиға бағишланган ушбу тадбир Тошкент ислом университети, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридидаги Дин ишлари бўйича кўмита ва "Қамолот" ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

✓ "Туркистон" саройида 1 июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўниға бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. У Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Sen Yolg'iz emassan", "Соғлом авлод учун" болалар жамғармалари, қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирға пойтахтимиздаги серфарзанд, кам таъминланган оилаларнинг ўғил-қизлари, Меҳрибонлик, Мурувват уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб-интернатлар ўқувчилари таклиф этилди.

SEMINAR

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридида Давлат ва жамият қурилиши академиясида ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришға қаратилган ўқув семинари ўтказилди. Унда ҳукумат органлари, вазирлик ва идораларнинг 70 нафарға яқин вакили қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришға оид кўшимча чоратadbирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбар ходимлари учун ахборот-коммуникация технологияларидан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш бўйича семинарлар Дастури"ға мувофиқ 2008 йил давомида республикамизнинг барча вилоятларида ўқув семинарлари ўтказилмоқда. Ҳозирға қадар бу каби семинарлар Андижон ва Фарғона вилоятларида ташкил этилди.

Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридидаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда БМТ Ривожланиш Дастурининг "АКТ сиёсати" лойиҳаси томонидан ташкил этилди. Унинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридидаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори К.Назаров, Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев, БМТ Ривожланиш Дастурининг "АКТ сиёсати" лойиҳаси раҳбари С.Саидхўжаевлар табрик сўзи билан иштирок этишди.

Ўқув жараёнини Ўзбекистонда электрон ҳукумат таркибий қисмларини жорий этиш бўйича амалий тажрибаға эға бўлган етакчи тармоқ экспертлари олиб боришди. Унда тингловчилар давлат

Бошқарувда АКТни кўллаш



бошқарувда АКТни кўллаш бўйича малакаларини ҳамда турли йўналиш ва жаҳон тажрибалари бўйича маълумотларини ошириб, АКТдан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, электрон ҳукумат барпо этишға қаратилган реал лойиҳалар доирасида амалий кўникмалар ҳосил қилиш, шунингдек, ўзаро тажриба алмашиш имконига эға бўлдилар.

Машгулотлар Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Фарғона политехника институти ўқитувчилари, ФТМТМ ва UZINFOCOM марказлари мутахассислари томонидан олиб борилди. Маърузаларда ахборотлаштириш соҳасининг қонуний асослари; интерактив хизматлар кўрсатиш, уларнинг давлат бошқаруви самарадорлигини оширишдаги ўрни; ахборот

тизимларини яратиш ва давлат ахборот ресурсларини шакллантириш, уларни рўйхатдан ўтказиш; давлат ахборот ресурсларини тузиш бўйича метёрий-хуқуқий ҳужжатлар каби бир қатор мавзулар таҳлил этилди. Шунингдек, икки кунлик ўқиш давомида

компьютер технологиялари, ахборот тизимлари хавфсизлиги, электрон ҳужжат айланиши ва иш юритишни автоматлаштириш, "Электрон ҳукумат" моҳияти, уни ривожлантиришнинг асосий шартлари, давлат бошқарувиға жорий этишнинг жаҳон тажрибалари, ахборот технологиялари соҳасида муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Семинар давомида электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат айланишини кўллаш бўйича амалий машгулотлар ҳам ташкил этилди. Ўқув курси якунида ўтказилган тадбир қай даражада фойдали бўлганлигини аниқлаш мақсадида иштирокчилар тест сновларидан ўтказилди.

Элбек ДОЛИМОВ

«ОЛТИН СОЯБОН» МУКОФОТИ — «АЛСКОМ»ДА!

«Ўзбекистон сугурта бизнеси: ҳолати, истиқбол ва уларнинг ОАВда ёритилиши» мавзусидаги форум доирасида сугурта соҳасидаги «Олтин соябон» мукофотини топшириш маросими ўтказилди.

«Олтин соябон» мукофоти сугурта соҳасини ривожлантириш борасида ҳар йили бериладиган жамоатчилик мукофотидир. Танлов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ушбу вазирлик ҳузуридидаги Давлат сугурта назорати инспекцияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, мамлакатимиз сугурта бозорининг етук профессионал иштирокчилари кўмагида ўтказилиб келинади.

Бу йилги мукофотнинг асосий номинанцияси — «Сугурта фаолиятини ривожлантириш динамикаси бўйича етакчи компания» номиға «Алском» сугурта компанияси лойиқ деб топилди. «Олтин соябон» мукофоти ва дипломи компания бош директори Тоҳиржон Иминов қабул қилиб олди.



Жорий йилнинг 28 май кунини Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Босма оммавий ахборот воситалари тахририятлари фаолиятиға замонавий андозаларни жорий этиш масалалари" мавзусида семинар ўтказилди.

ДИЗАЙН, ВЕБ-САЙТ ВА ФОТО Тахририятлар учун замонавий андозалар

Семинар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва "InfoCOM.UZ" журнали ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов, Фонд директори Ж.Ҳакимов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаевлар сўзға чиқишди.

Тадбирда мамлакатимиз босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини халқаро талаблар асосида такомиллаштириш, дизайн ва саҳифалашни жаҳон стандартлари даражасиға олиб чиқиш, босма нашрларнинг веб-сайтлари ва фото-муҳбирлар фаолиятини ривожлантириш борасида тахририятлар олдида турган мақсад-вазифалар, муаммолар ва уларнинг ечимлари, бу борада дунёнинг илғор ОАВ тажрибаси ҳақида маъруза ва мунозаралар бўлиб ўтди.

Шунингдек, тадбир доирасида Фонд томонидан тахририятларнинг дизайн ва саҳифалаш мутахассислари, фото-муҳбирлар, веб-усталари малакасини ошириш, бу йўналишларда мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш мақсадида "InfoCOM.UZ" журнали қошида ташкил этилган маҳорат мактабининг тақдими ҳам ўтказилди.

Тақдимотда "InfoCOM.UZ" журнали тахририяти бошқаруви раиси А.Сучков ва журнал мутахассислари маҳорат мактаби дастурлари билан семинар иштирокчиларини батафсил таништиришди.




(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

ойи охирида компаниянинг абонентлар базаси рекорд натижага 88,88 миллион (Беларусдаги МТС абонентлари базасини ҳам ҳисобга олганда) абонентга етди. Informa Telecoms&Media's World халқаро бюллетени маълумотига кўра, МТС дунёнинг энг йирик мобил алоқа операторлари рейтингда саккизинчи ўринни эгаллайди. 2000 йилнинг июн ойидан бошлаб МТС акциялари Нью-Йорк фонд биржасида MBV коди бўйича котировка қилинади. Жорий йилнинг апрел ойида Financial Times ва етакчи халқаро тадқиқот агентлиги — MillwardBrownнинг эълонига кўра

абонентлар билан шахсан мулоқотда бўлишди. Улар абонентларга оптимал тариф режалари ва хизматларни танлашда, GPRS, WAP ва MMS хизматларини ёқиш, SMS пакетларга уланишда ёрдам бердилар. Шундан сўнг компаниянинг 4 миллионинчи абонентини тақдирлаш маросими ўтказилди. Самарқандлик талаба Аъзам Бўронов 4 миллионинчи абонент сифатида сўнгги русумдаги "Nokia" телефони билан тақдирланди.

Маросимдан сўнг МТС раҳбарлари журналистларнинг янги хизматлар, имкониятлар ва МТС тармоғи ривожланиши истиқбол-



4 МИЛЛИОНЛИК ДОВОН

Бунга «МТС-Ўзбекистон» юқори сифат ва тезкор хизмат тўғрисида эришди



Маълумки, "МТС-Ўзбекистон" республикаимиздаги энг йирик мобил алоқа оператори ҳисобланади ва ушбу бозорнинг ярмидан кўпини эгаллайди. 1991 йилнинг август ойида Ўзбекистон алоқа вазирлиги ташаббуси ва ҳукуратимизнинг қатъий қўллаб-қувватлаши билан "Ўздунробита" қўшма корхонасига асос солинган эди. Ушбу корхона нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё ҳудудида ташкил этилган мобил алоқа хизмати кўрсатувчи биринчи компаниядир. 1992 йилнинг август ойида "Ўздунробита" ҚКнинг тижорий тармоғи ишга туширилди. Уша пайтда мобил алоқа хизматида илк кўнғироқ Юртбошимиз И.Каримов томонидан амалга оширилган эди. Мана шунга ҳам 16 йилдан ошди. Бу даврда компания энг замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ўз мижозларига янгидан-янги хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Дастлаб NMT-450 стандартида мижозларга хизмат кўрсатилган бўлса, 1994 йилнинг ўрталарига келиб AMPS ва рақамли Digital AMPS (IS-54) стандартлари қўлланила бошланди. 2002 йилнинг март ойидан Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг лицензиясига мувофиқ компания GSM900/1800 стандарти асосида мобил алоқа хизматларини амалга оширишга киришди. 2004 йилнинг август ойида "Ўздунробита" ҚК "Мобильные ТелеСистемы" (МТС) очиқ акциядорлик жамияти таркибига қўшилди.

Шу ўринда МТС компанияси ҳақида сўз юритсак. Мазкур компания Россия ва МДХда 15 йилдан буён фаолият олиб бораётган энг йирик мобил алоқа операторидир. Компания умумий аҳоли сони 230 миллиондан ортиқ бўлган — Россия, Украина, Беларусь, Ўзбекистон, Арманистон ва Туркменистон давлатлари ҳудудида GSM стандартида алоқа хизматини тақдим этади. Ўтган йилнинг якунларига кўра МТС ўз ялпи тушумини 29 фоизга ошириб, 8,2 миллиард АҚШ долларига етказди. 2008 йилнинг март

МТС бренди BRANDZ™ рейтинги бўйича дунёнинг етакчи юзта бренди рўйхатига киритилди. МТС брендининг рейтингдаги қиймати 8,077 миллиард АҚШ долларига баҳоланган.

Шундай қилиб, энг йирик мобил алоқа компаниясига қўшилган "Ўздунробита" 2006 йилнинг июн ойида ребрендинг ўтказди ва "МТС" бренди остида хизматлар кўрсата бошлади. Ўтган йилнинг апрел ойида "МТС-Ўзбекистон" компанияси 3G ва WiMax хизматлари кўрсатишга лицензия олди.

Айни пайтда компания республикаимизнинг барча аҳоли масканларининг 90 фоиздан ортигини ўз хизматлари билан қамраб олган.

Яқинда "МТС-Ўзбекистон" ўз абонентлари сони йил бошидан бери 1,2 миллионга ошганини ва бугунга келиб, 4 миллиондан зиёдни ташкил қилганлигини маълум қилди. Шу муносабат билан компаниянинг Самарқанд шаҳридаги хизмат кўрсатиш марказида тадбир ўтказилди. Унда "Мобильные ТелеСистемы" гуруҳи президенти Леонид Меламед, "МТС Чет эл компаниялари" бизнес-бўлими директори Олег Распов, "МТС-Ўзбекистон" МЧЖ ХК бош директори Бехзод Аҳмедов ҳамда маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этишди. МТС раҳбарлари

лар, бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатиши ҳақидаги кўплаг саволларига жавоб берди.

МТС раҳбарияти абонентлар билан очиқ мулоқотда бўлиб, учрашувлар ўтказиш дастурини ривожлантиришни режалаштирмоқда. Албатта, компаниянинг Самарқанддаги хизмат кўрсатиш марказидаги абонентлар билан учрашувлар ҳар томонлама фойдали эканлигини кўрсатди. Шу сингари тадбирлар Россиянинг бир қатор минтақаларида ва Беларусь Республикасида бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонда бўлишимиз бу ердаги ишларимиз қандай кетаётганини кўриш учун яхши имконият, — деди МТС гуруҳи президенти Леонид Меламед. — МДХ давлатлари орасида Ўзбекистон аҳоли сони бўйича учинчи ўринда туради. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш лозим. МТС — Ўзбекистонда мобил алоқа етакчисидир. Бугунги кунда мамлакатнинг 4 миллиондан ортиқ фуқароси бизнинг алоқамиздан фойдаланмоқда. Бу абонентларнинг МТС брендида юқори ишончини кўрсатмоқда.

— Компаниямиз ўз фаолиятида доимо мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб иш олиб боради, — деди "МТС-Ўзбекистон" компанияси бош директори Бехзод Аҳмедов. — Шунинг учун абонентлар

билан мулоқот ўтказиш биз учун ҳар томонлама фойдали бўлмоқда. Юқори сифатли хизмат кўрсатиш мижозлар билан узоқ муддатли ва мустаҳкам ҳамкорлигимиз гаровидир.

Ўтган йили компаниянинг база станциялари сони 141 фоизга кўпайди. Жорий йилнинг бошидан бошлаб тармоқни кенгайтириш ишлари Тошкент, Наманган, Навоий, Шаҳрисабз шаҳарларида олиб борилди. Натижада ушбу шаҳарларда МТС тармоғига уланишнинг энг кўп ўсиши кузатишган. Ҳозирда компаниянинг 25та офисида 100 нафар ходим меҳнат қиляпти.

"МТС-Ўзбекистон"нинг роуминг сафи ҳамкорлари кенгайтиб бормоқда. Компания дунёнинг 151 давлатидаги 263 оператор тармоғида роуминг хизматини тақдим қилмоқда. Ўзбекистонлик абонентлар Россия, Арманистон, Беларусь, Украина, Туркменистонда имтиёзли роумингдан фойдаланишлари мумкин. Шунингдек, компания 42 мамлакатдаги 66 оператор тармоғида GPRS-роуминг хизматини кўрсатиш имконига эга.

Компания сармояларини кўпайтиришни режалаштирган. 2008-2010 йилларда капитал қўйилмалари ҳажми 600 млн. АҚШ долларини ташкил қилади. Бу маблағлардан жорий йилда 1,5 мингдан ортиқ база станциялари, 3G тармоғини қуриш мўлжалланган. Ўтган йили республикаимизда биринчилардан бўлиб Тошкент шаҳрида EDGE хизмати ишга туширилган эди. Жорий йилда Самарқанд шаҳрида ҳам мазкур хизматни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Хуллас, "МТС-Ўзбекистон" компанияси мижозлар ишончини оқлаш, мобил алоқа хизмати бозорига етакчилиكنи давом эттириш мақсадида доимо изланмоқда. Бу албатта ўз натижаларини беришига ишончимиз комил.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Харбий қасамёд

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармасида 2008 йил 25 май куни муддатли харбий хизматга чақиртирилган ёш аскарларнинг харбий қасамёд қилиш маросими тантанали тарзда ўтказилди.

Ушбу тадбирда аскарларнинг ота-оналари, яқинлари, Зангиота туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари ҳамда жамоат ва давлат ташкилотларидан вакиллар қатнашдилар. Ёш аскарлар йигилганлар гувоҳлигида қўлларида жангвор қурол билан тантанали вазиятда Ватанга, ўз халқига ҳамisha содиқ бўлишга қасамёд қилишди.

Таъкидлаш жоизки, бошқармада аскарларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё. Ётоқхоналар, дам олиш хоналарининг замонавий маиший техника, зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги, турли-туман тадбирларнинг ўтказилиши фикримиз исботидир. Аскарлар ошхонаси таркибидagi фитобарларда эса шифобахш шарбатлар тайёрланади, миллий таомларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу албатта, соҳада олиб борилаётган изчил ислохотлар самарасидир.

Йилдан-йилга муддатли харбий хизматчиларнинг билим даражаси, дунёқарашидagi фарқ яққол сезилмоқда. Уларнинг тиришқоклиги, машғулотлардаги фаоллигини кўриб, қувонсан киши. Қуролли Кучларимиз мана шундай йигитлардан ташкил топар экан, осмонимиз доимо мусаффо, ҳаётимиз осойишта ва фаровон бўлишига ишонамиз.

Абдумажид САГАТОВ,

Бошқарма бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»



АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2008 йил 27 июн куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, А. Темур кўчаси, 7/8-уйда жойлашган «DEDEM SILK ROAD» меҳмонхонасининг конференц-залида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ

1. «Ўзбектелеком» АК акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2. «Ўзбектелеком» АКнинг 2007 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти ҳисоботи тўғрисида.
3. «Ўзбектелеком» АКнинг 2007 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссия хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
4. «Ўзбектелеком» АКнинг 2007 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
5. «Ўзбектелеком» АКнинг 2007 йил натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар тўлаш тўғрисида.
6. «Ўзбектелеком» АКнинг 2008 йил Бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
7. «Ўзбектелеком» АКнинг 2008 йилга аудиторини тасдиқлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида.
8. «Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгашининг 2007 йил якунлари бўйича ҳисоботи ва Кузатув кенгаши аъзоларини янги таркибини сайлаш тўғрисида.
9. «Ўзбектелеком» АКнинг Тафтиш комиссия аъзоларининг янги таркибини сайлаш тўғрисида.
10. «Ўзбектелеком» АК Уставига қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
11. «Ўзбектелеком» АК бош директорини ишга ёллаш шартномаси тўғрисида.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 15.00 да бошланади.

Акциядорлар реестри 2008 йил 27 май ҳолатига ёпилган.

Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишлари лозим.

Акциядорлар вакилларидан ишончнома ва паспорт талаб қилинади.

Мурожаат учун телефонлар:
139-23-84, 234-96-30

«Ўзбектелеком» АК Кузатув кенгаши

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

2008 йилнинг 16 июн санасидан бошлаб телекоммуникациянинг куйидаги универсал хизматлари учун янги тарифлар амалга киритилишини маълум қилади:

Республика ичидаги телекоммуникация хизматлари Умумфойдаланишдаги маҳаллий телефон тармоғи хизматлари учун тарифлар

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	Тўлов миқдори, сўмда					
	Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар		Бюджетдан молиялаштирилмайдиган ташкилотлар		Аҳоли	
	абонент тўлови	вақтбай тўлови	абонент тўлови	вақтбай тўлови	абонент тўлови	вақтбай тўлови
Якка тартибда симли линияси бўйича телефон тармоғига уланган асосий телефон апаратидан фойдаланганлиги учун абонент тўлови						
шаҳар телефон тармоғида	1712	1643	3480	3035	1440	1000
қишлоқ телефон тармоғида	715	529	1820	1320	650	410
Асосий телефон апарати ёки бошқа сўнгги қурилмани телефонлаштирилмаган хонада (битта фойдаланувчига оператор томонидан битта рақам ажратилганда) абонент линияси асосида телефон тармоғига улаш учун рўйхатга олиш тўлови						
Тошкент, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида	32 635		39 990		20 700	
Вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва туман марказларида	21 205		25700		13 900	
Бошқа аҳоли масканларида	10 600		12 135		5 200	
Асосий телефон апарати ёки бошқа сўнгги қурилмани телефонлаштирилган хона*да (битта фойдаланувчига оператор томонидан битта рақам ажратилганда) абонент линияси асосида телефон тармоғига улаш учун рўйхатга олиш тўлови						
Тошкент, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида	25 300		31 000		11 470	
Вилоятга бўйсунувчи шаҳар ва туман марказларида	16 440		20 700		10 850	
Бошқа аҳоли масканларида	8 220		9 410		4 100	
*Телефонлаштирилган хона деганда телефон станциясидан телефон розеткасигача бўлган оралиқда абонент линияси ташкил қилинган хона тушунилади.						

Белгиланган абонент тўлови ва сўзлашувларнинг ўрнатилган бир ойлик 180 дақиқа лимитидан ташқари, абонент томонидан шахсий фойдаланишдаги (телефон тармоғига абонент линияси орқали уланган) телефондан амалга оширилган сўзлашувнинг ҳар бир тўлик ва тўлиқсиз дақиқаси учун вақтбай тўлови 3 сўм 10 тийин миқдорида белгиланди.

ХИЗМАТ ТУРЛАРИ	Тўлов миқдори, сўмда	
	Корхоналар	Аҳоли
Телеграммадаги битта сўз учун тўлов		
оддий	31	13
шошилинч	62	62
Телеграммаларнинг барча турлари ва тоифалари учун телеграф йиғимлари	62	62

Шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар ҳамда халқаро телеграммалар учун белгиланган тарифлар ўзгаришсиз қолдирилди.

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ!

Телефон тармоғига улаш учун рўйхатга олиш тўлови ва телефондан фойдаланишдаги тўловларга ўрнатилган имтиёзлар ўз кучини сақлаб қолади.

Телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш!
Кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлашни унутманг!
Хизматлар лицензияланган

2008-YIL — YOSHLAR YILI

Ёшлик — қудратли куч, таърифга сизмас бахт ва саодат фасли. Лекин ёшликнинг вазифалари ҳам шунчалар кўп. Илм ўрганиш, касб-хунар эгаллаш, муттасил меҳнат қилишга кўникиш, бир умрлик севиқли ёр танлаш... Бу машаққатли, аммо ёқимли юмушларни санай бошласангиз бармоқларингиз етмайди. Бироқ “Фарғона Телеком” филиали ёшлари билан суҳбатлашар эканман, аксарияти ана шу вазифаларни теран англаб, ҳаётини аллақачон тўғри қуриб олганларини сездим. Улар роҳат-фароғатнинг отаси — меҳнат деб биладилар. Ишлаб, тўхтовсиз изланиб, билимларини ошириб боришда барчага намуна. Малакали мутахассис, ажойиб фарзанд — ота-она фаҳри, ширин оила бағрида кичкинтойларни тарбиялаётган ота...



“Фарғона Телеком”нинг умидли ёшлари



Расулжон Усмонов, 26 ёшда, Фарғона политехника институтини таҳсил олган, Ватан олдидаги йигитлик бурчини бажарган, филиал биллинг тизими маъмури. Касбини жуда яхши кўради. Ҳисоб-китоб ишларининг билимдони.

— Икки ўғилчам бор, — дейди у. — Иккаласини ҳам ҳалитдан телефон, “сотка” қизиқтиради. Ичини очиб кўрмоқчи бўлишади...

Акмалжон Муллажонов, Фарғона туман телекоммуникациялар боғламсининг етук мутахассисларидан, у ҳам ФарПИАда электроника ва микро-электроника йўналиши бўйича ўқиган: “Кичкина ўғилчам бор, “сотка” — жону дили, ўйинчоқ-телефонга қарамайди, ҳақиқийсини ўйнайди...”

Дилмурод Умаров, касб-хунар коллежини тугаллаб, соҳада ишлаб бошлаганига етти йилдан ошиб қолди. ТАТУда ўқишдек олий мақсад билан яшамоқда.

— Иккита ўғил бор. Каттаси 6 ёшда, ҳар куни “Дада, қачон компютер олиб берасиз?” деб кўймайди...

Болалари ҳақида гапирётганда уларнинг чеҳраларидаги ифодани тасвирлашга тил ожиз. Унда меҳр, умид, фахр мужасам. Илм бўстони, фазилат гулшанидан баҳраманд ўсган ёшлар орасида филиал иқтисодиёт ва статистика бўлими етакчи мутахассиси Сарваржон Абдуллаев ҳам бор. У Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институтининг бакалавриатурасини, Фарғона давлат университети магистратурасини тугаллаган. Унинг салоҳияти ҳар бир бажарган ишида акс этади. Ҳафизбек Боймуродов, Дилшоджон Астонов, Шухратжон Мўминов, Маъмуржон Раҳимов, Бахтиёр Қосимовлар ҳам Сарваржон каби ишда катта муваффақиятлар қозонишни кўзлаган билимга чанқоқ мутахассислардан. Улар соҳадаги ўзгариш ва янгиликларни тез илғаб, замон талаблари даражасида ишлашга интиладилар.

Электромонтёрлар вилдонан ишласа, бошқаларга иш қолмайди... Озгина ошириб айтилган

бўлса-да, бу гапнинг заминидан жон бор. Фарғона шаҳар ТТСидан Жаҳонгир Ҳожиев, Музаффар Абдуллаев, Азизбек Холматов, Шерзоджон Пирматов, Саминжон Йигиталиев, Бахтиёр Комилов, Аркадий Ли ва бошқалар ана шундай ўз ишига вилдонан ёндашадиган асл монтерлар тоифасидан. Улар кутилмаган, мушуқл вазиятларда ҳам ўзларини йўқотиб қўйишмайди. Қор, ёмғир, шамол, жазирама иссиқ демай ўз вазифаларини аъло даражада уддаладилар. Ҳар қандай топширик улар туфайли тез ва соз адо этилади.

этиб кўзга ташланадиганлари талайгина. Бувайда телекоммуникациялар боғламси ходими Тожи мухаммад Камолов шундай ёшлардан бири. ТАТУда таҳсил олган. Янгиликка интилувчан мутахассис. Ўтган йили вилоятда ўтказилган “Энг яхши сервис хизмати ходими” кўрик-танловида биринчи ўринга сазовор бўлиб, сўнгги русумдаги компютер билан мукофотланган эди. Бу муваффақият унинг ютуқларини чандон оширди.

Филиал раҳбарияти ёшларнинг ташаббусларини рағбатлантирмоқда. Зотан, филиалда кейинги уч йилда ўтказилган ислохотларда, оптик-толали кабелларни ётқи-зишда, рақамли станцияларни ишга туширишда ёшларнинг ҳам ўзига яраша улуши бор.



“Фарғона Телеком” филиали ёшлари орасида ўз иқтидори, ёшлик ғайрат-шижоати билан “ярақ”

лар (Фарғона) исм-шарифлари ҳам тилга олинади ва мароқ билан “мураббийлар каломини миясига куйиб олаётганлар” дея таърифланадилар.

Ҳа, ёшларга ғамхўрлик филиалда энг муҳим масала ҳисобланади. Раҳбарият ёшларни ўқитиш, малакасини ошириш, иқтидорларини кўллаб-қувватлашдан маблағ аямайди. Ўтган йиллар мобайнида юздан ортиқ ёшларнинг ТАТУда таҳсил олишлари учун шартнома тўловлари маблағ ўтказиб келмоқда.

— Мен ТАТУда бакалавриатуранини тугаллаб, филиал ишлаб чиқариш бўлимида етакчи муҳандис бўлиб ишляпман, — дейди Жаҳонгир Турсунов. — Тўрт йил давомида ўқишим учун контракт тўловлари филиал томони-



дан ўтказиб турилди. Мана, энди муваффақият билан ишлаб, ТАТУ Фарғона филиали магистратурасида таҳсил оляпман. Билим олишим учун моддий ва маънавий ёрдам кўрсатган филиалимиз раҳбариятидан, жамоамиздан чексиз миннатдорман. Мен бу яхшиликларни самарали меҳнатим билан қайтаришга ҳаракат қияпман.

Жаҳонгирга ўхшаб филиалнинг кўмагидан баҳраманд бўлиб таҳсил олган ёшлар бугунги кунда

“Фарғона Телеком” филиалининг обрў-нуфузини янада ошириш учун билим ва маҳоратларини бахшида этмоқдалар. Улар ўз меҳнатлари билан жамиятда иқтисодий ўсишни тезлаштиришга, одамлар турмуш даражасини оширишга, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини тобора юксалтиришга, қимматбаҳо вақтини тежашга ҳисса қўшаётганлари билан ҳақли равишда фахрланадилар.

— Биз Ёшлар йилида азалий аъналаримизни янада бойитяпмиз, — дейди филиал директори Нўъмонжон Акбаров. — Ёшларни ўқитиб, жамоада муносиб ўрин топишлари-га кўмаклашяпмиз. Муаммоли масалаларга ечимлар топиш, қорхона даромадларини ўстириш борасидаги таклиф ва гоьлар учун кўпроқ рағбатлантиряпмиз. Бинобарин, ёшларга меҳр кўрсатиш, албатта, бир куни ўз мевасини бериши аниқ. Бундай эътибор эса уларни ҳамиша фаол иждоқорлик руҳида яшашга ўргатади. ТАТУда таҳсил олаётган 20 нафар аълочи талабанинг контракт пуллари тўлаб келинмоқда. Ишлаётган ёшлар учун жамоа шартномасида кўрсатилган шартларини бажаряпмиз.

ТАТУнинг Фарғона филиали томонидан бўлган муурожаатларни тўла қондириб келяпмиз. Филиал лабораториясини қурилмалар билан жиҳозлаб, мини АТС қуриб бериш, интернетга оптик-толали кабел билан уланишни таъминлашни ният қилганмиз.

Хуллас, катталар таҳрибаси, ёшлар қуввати билан жуда кўп ишларни йўлга қўйиш учун махсус дастур ишламоқда. Мақсад — ўз кучи имкониятларига ишонган азму шижоатли ёшлар ёрдамида юртимиз иқтисодиётини, интеллектуал қувватини юксалтиришга қўшаётган ҳиссамизни ошириб бориш...

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Хабар”нинг Фарғона
вилотидаги муҳбири

В настоящее время во всем мире наблюдается отчетливая тенденция развития информационно-коммуникационного комплекса аэропортов, которое (развитие) направлено на повышение уровня обслуживания пассажиров, предоставление инновационных услуг. Все это, в свою очередь, упрощает работу сотрудников аэропортов и уменьшает расходы авиакомпании.

Согласно отчету за первый квартал 2008 года, объем пассажиров, перевезенных на рейсах Национальной авиакомпании «Узбекистон хаво йуллари», составил 459 тыс. пассажиров, что, на 5% больше чем в прошлом году за такой же отчетный период.

Успех авиакомпании во многом зависит от грамотного распределения ресурсов, которые должны быть направлены на развитие самых слабых ее составляющих. Так, по мнению аналитиков, для возможности успешной конкуренции на рынке авиаперевозок авиакомпании должны вкладывать около 4% доходов в совер-

время на регистрацию пассажиров.

Одной из проблем, с которой сталкиваются аэропорты, является рост количества задержек и потерь багажа. Факторами задержек и потерь багажа являются рост числа пассажиров и объемов багажа, сокращение стыковочного времени между рейсами, а также предъявление более строгих требований по безопасности. Все эти факторы усложняют процесс обработки багажа. Одним из наиболее распространенных ИТ-решений для устранения этой проблемы является функциональное решение SITA BagManager, которое позволяет отслеживать и управлять отправленным багажом. Данное решение успешно внедрено во многих крупнейших аэропортах.

Одним из нововведений для пассажиров авиакомпании «Узбекистон хаво йуллари» станет внедрение электронного авиабилета. На сегодняшний день это – самая популярная в Европе и Америке и самая удобная для пассажиров форма приобретения билета. Большинство круп-

Внимание руководителей компаний и фирм!

УВЕДОМЛЕНИЕ О ПРОДЛЕНИИ СРОКА ТЕНДЕРА, ОБЪЯВЛЕННОГО В ГАЗЕТАХ «ХАВАР» (№ 19 (816) от 09.05.2008г.) И «БИЗНЕС ВЕСТНИК ВОСТОКА» (№ 36 (1041) от 06.05.2008г.)



Центр научно-технических и маркетинговых исследований объявляет о продлении до 1 июля 2008 года срока приема тендерных предложений по ранее объявленному открытому тендеру на закупку контрольно-измерительных приборов для собственных производственных нужд.

В тендере могут принять участие зарубежные и отечественные компании, фирмы и организации, являющиеся производителями закупаемой продукции или их официальными дилерами (дистрибьюторами), способные выполнить предъявляемые условия для участия в нем и имеющие опыт поставки соответствующих типов закупаемой на тендерной основе контрольно-измерительных приборов.

К тендеру не допускаются компании, фирмы и организации — находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства; учрежденные менее чем за 6 месяцев до объявления тендера; не отвечающие требованиям тендерной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

I. Предмет тендера: закупка контрольно-измерительных приборов, требования к которым отражены в тендерных условиях.

II. Вид тендера – открытый.

III. Условия и сроки выполнения поставки: поставка должна быть осуществлена согласно графика поставок.

IV. Окончательный срок приема тендерных предложений не позднее 15-00 часов ташкентского времени 1 июля 2008 г.

Тендерные предложения принимаются ежедневно (кроме субботы и воскресенья) с 10-00 до 15-00 часов ташкентского времени по адресу: Центр научно-технических и маркетинговых исследований, Республика Узбекистан, 100084, г. Ташкент, ул. Богишамол, 7а.

Свои предложения необходимо представлять в закрытых опечатанных конвертах скрепленных печатью организации (компании) в соответствии с тендерной документацией.

V. Условия оплаты и банковские реквизиты отражены в тендерных условиях.

VI. Участникам тендера пакет тендерной документации представляется на русском языке, бесплатно.

VII. Организаторы тендера не несут ответственность за любые расходы, возникшие у участника тендера при подготовке тендерного предложения и/или участия в тендере.

За пакетом тендерной документации и дополнительной информацией обращаться в Центр научно-технических и маркетинговых исследований, по телефонам: (+99871) 1503391, (+99871) 2376501, факс: (+99871) 1503390 ежедневно с 9-00 до 18-00 по ташкентскому времени или по электронной почте: info@ftmtm.uz

Контактное лицо:
Якубов Баходир Рахматуллаевич.

Информационные технологии

КАК ЗАЛОГ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ НА РЫНКЕ АВИАПЕРЕВОЗОК

шенствование информационных технологий и проектирование программных продуктов, способных совершенствовать и автоматизировать бизнес-процессы авиакомпании.

Ссылаясь на результаты исследования 2007 года проводимого независимой компанией Reed Business Insight большинство авиакомпаний предпочитают направлять свои средства на проекты с гарантированной окупаемостью, менее всего на повышение КГД инфраструктурных активов.

Возможно, качество обслуживания пассажиров в аэропортах еще отстает от современных стандартов, но со стремительным развитием информационных технологий в Узбекистане необходимо иначе взглянуть на состояние и уровень гражданской авиации. Для многих людей полет на самолете связан с очередами на регистрацию, задержками рейсов и

нейших авиакомпаний мира ощутили преимущество использования электронных авиабилетов. Технология электронных билетов появилась в 1996 году в США. Сейчас она широко распространена в большинстве стран мира. Начиная с июня 2008 года, все члены Международной Ассоциации воздушного транспорта (ИАТА) будут обязаны использовать такие билеты. Внедрение электронного билета будет способствовать развитию технологии самостоятельной регистрации и покупки авиабилета посредством сети Интернет. Так, собравшись отправиться в путешествие на самолете, пассажир сможет зайти на официальный сайт авиакомпании, указать даты вылета и прилета, выбрать место в самолете, забронировать билет, оплатить его по кредитной карточке или по средствам доступных платежных систем, распечатать на собственном принтере посадочный

Схема покупки электронного билета



утерей багажа. Уменьшить все эти риски можно, создав в аэропорту устойчивую инфраструктуру с применением новейших ИТ-технологий, от централизованных автоматизированных систем управления воздушным движением до систем управления багажом, которые обеспечивают доставку багажа до места назначения.

В 21 веке для авиакомпаний неотъемлемым стандартом стало использование ИТ-систем, которые оптимизируют процессы бронирования и продажи авиабилетов, регистрации пассажиров, а также управления багажом. Постепенно такие ИТ-системы внедряются и в аэропорты Узбекистана.

Так, например, большое внимание уделяется развитию ИТ-инфраструктуры областных аэропортов. Если совсем недавно регистрация на рейсы проводилась в ручном режиме, то теперь в крупных международных аэропортах республики появилась автоматизированная система регистрации пассажиров (DCS), которая в несколько раз сократила

талон и затем просто отправиться в аэропорт.

К преимуществам Электронного билета можно отнести экономию времени при покупке, мобильность — не придется ехать в кассу за билетом или заранее приезжать в аэропорт, чтобы оформить посадочный таллон; появляется возможность быстро и без проблем изменить маршрут поездки. Еще одним преимуществом является возможность купить электронный билет для своих родственников или друзей, которые находятся в другом городе — все, что от них потребуется это только вовремя прийти на регистрацию.

Внедрение электронного билета выгодно и самой авиакомпании, так как будет способствовать значительно уменьшению затрат на выпуск бумажных авиабилетов.

Все авиакомпании стремятся автоматизировать свои бизнес-процессы и интегрировать их вместе с системами аэропортов и различных структур в единое информационное пространство посредством информационных технологий. Такая интеграция позволит управлять всеми процессами и ресурсами авиакомпании и обеспечить устойчивую конкурентоспособность в мировом сообществе авиаперевозчиков.

Дарья ПОНОМАРЁВА,
магистрант ТУИТ

Хабар +tv

ДУШАНБА

2 ИЮН

СТАНДОРТ

5.56 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
7.00 «Йулан»
7.05 «Икки тақдир», Т/с
7.45 «Дилчуи наволар»
8.00-8.45 «Таълимнома»
8.50 «Олтин мерос»
9.55 «Ихбор»
«Боналвар сайёраси»
9.00 «Кирол шир», М/ф
10.35 «КиноТеатр»
11.00 «Аббатот»
11.10 «Ватанлардор»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
13.00 «Иқлим»
13.10 «Ханом ёмдам»
13.50 «Юртин буйлаб» дастури: «Надир қазан»
14.00 «Аббатот»
14.20 «Олтин мерос»
14.25 «Нам ва одам» дастури: «Патагония – жануб ери»
15.15 «Оқуш», В/ф
16.15 «Бир ўрса-ки...»
16.35 «Долларб келаву»
17.00 «Аббатот»
17.15 «Олтин мерос»
17.20 «Оромгоҳлар мавсумга шайми?» «Боналвар сайёраси»
17.40 «Эрталаб – лашкариқа келадир»
18.00 «Ихбор»
18.05 «Сизнинг адвокатиңиз»
18.10 «Юртин буйлаб» дастури: «Оқиди ёлдузлар»
18.20 «Поқдвор», Т/с
18.50 «Бир кун»
19.15 «Оқназар оғушида»
19.25 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Аббатот» /рус/.
20.05 «ТВ шифор»
20.10 «Хайт синовлар», Т/с.
20.50 «Минг бир ривоят»
21.00 «Аббатот»
21.35 Токшоит 2200. «Муҳаддас кўнаклар»
21.55 «Сўрети киролика», Т/с.
22.55 «Иқлим»
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат», /SMS/
23.10 «Икки тақдир», Т/с
23.50-23.55 Тунги наволар.
«Ўзбекистон»
23.55 Кўрсатувлар дастури.
24.00 «Юртин буйлаб» дастури: «Поп Учрешуларини»
00.30 Токшоит – 2200. «Муҳаддас кўнаклар»
00.50 «Олтин мерос»
01.00 «Аббатот» /рус/.
01.30 «Ватанлардор»
02.20 «Чемпион»
02.40 «Оқуш», В/ф.
03.35 «Бир кун»
04.00 «Аббатот»
04.30 «Минг бир ривоят»
04.35 «Олтин мерос»
04.45 «Нафосат олами»
04.55 «Ўзбекистон табияти»
05.15 «Поқдвор», Т/с.
05.45-05.55 Тонгги наволар.

МАМА

6.56 «Ватаним мененг»
7.00 «Давринг боласи»
7.10 «Мультипанорама»
7.30 «Боналвар дивердан»
8.00 «Кинема табиси», Б/ф.
9.30 «Акс», Ток-шоу.
10.00 «Давра», Хафиза Якуни.
10.30 «Рўзгор мактаби»
11.00 «Салом, тийло!»
12.00 «Роботлар», М/ф.
13.20 «Зероет»
14.00 «Гарний бола», Б/ф.

15.30 «Калпок», Хижвия.
15.50 «Нафосат олами»
16.00 «Дар»
16.10 «Оқселидани», Т/с.
16.55 «Болалар илрими»
17.00 «Давринг боласи»
17.10 «Мультипанорама»
17.35 «Боналвар табасби»
17.40 «Мароқли физика»
17.50 «Калажақ овози»
18.00 «Мулки мултоз»
18.10 «Yoshlar» аякетаси.
18.15 «Кайтин Насор», Т/с.
18.50 «ЎЗЕХ хабарлари»
18.55 «Юрт тенгитини»
19.00 «Дар»
19.30 «Алия», Т/с.
20.10 «Телехуба»
20.15 «Бир – йиллар»
20.20 «Зуфия издролари»
20.30 «ТВ-банк»
20.40 «Ёшлар навои»
21.00 «Токшоит-2200»
21.05 «ЎЗЕХ хабарлари»
21.10 «Юмуш», Т/с.
21.55 «Токшоит оқшони»
22.00 «Дар»
22.30 «Самарқанд гавари»
22.35 «SMS-муносира»
23.00 «ЎЗЕХ хабарлари»
23.05 «Хайт-мамонт», Т/с.
23.40 «Тасокин»

СЕНТЕНТ

17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 Мультифилм: «Ашад водий сарни»
8-июн
18.25 18.50 «Телехубар – маркет»
18.25 «Биласизми»
18.30 «Поитакт»
18.50 «Эмомраҳида», Т/с
19.20 «ТВ юсти»
19.25 «Музыка SMS»
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Поитакт» /рус/.
20.15 «ТВ юсти» /рус/.
20.20 «Минглар», Т/с /рус/.
20.50 «Интерро»
21.00 «Жобил»
21.30 «Поитакт»
21.45 «Уйларим»
22.10 «Аёл қалби»
22.30 «Поитакт» /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами»
22.50 00.35 Кино: «Стрелка»

СПОРТ

7.00 «Бодоре утро»
8.00 «Талпин»
8.25 «Малахов ++»
9.30 «Версия»
10.00 Сериал «Татьяна день»
11.30 11.55 «Секрет камейи»
Док. филм.
18.00 «Полковник»
18.20 «Тет-а-тет»
18.50 «Хабарлар» (рус тили)
18.50 «Спортинг махлукалари»
19.10 «Жри меня»
20.00 «Футбол шарни»
20.30 «Бизнес-рево»
20.40 Тенис: «Ролан Гаррос» турнири.
21.30 «Хабарлар» (рус тили)
21.50 Мелодрама: «Случайная встреча» Х/ф.
23.10 Футбол. Халқдор учрашу.
00.45 «Тунига ошуд бўлсан»

БИРИНЧИ

04.00 08.05 Телеканал «Доброє утро»
08.00 11.00 14.00 Новости
08.25 «Малахов ++»

09.25 «Модный причесор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.25 Сериал «Агент национальной безопасности»
12.20 «Детектив»
13.00 Другие новости
13.50 «Полезна. Проститы»
14.20 «Писатель и вождь»: Александр Fadeев»
15.05 Сериал «Огонь любви»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Бизнесные новости
17.20 Жди меня
18.10 Сериал «Следа»
19.00 Сериал «Принцесса цирка»
20.00 02.00 «Время»
20.30 Сериал «Марской патруль»
21.30 Евгений Матвеев. Последние 24 часа»
22.30 Док. филм: «Площадь расставия и воскресения»
23.25 Ночные новости
23.40 «Действие»
00.25 Х/ф: «Бешеные деньги»

РОССИЯ

04.00 «Доброє утро, Россия!»
06.10 Х/ф «Путь в Сатурн»
09.45 16.50 «Вести. Дежурная часть»
10.00 13.00 16.00 19.00 «Вести»
10.25 13.20 «Местное время. Вести - Москва»
10.45 Т/с «Частный детектив»
11.40 Х/ф «Россия молодая»
13.40 Т/с «Ворские игры»
14.35 «Суд идет»
15.30 Т/с «Кулакин и партнеры»
16.30 «Местное время. Вести - Московская область»
17.05 Т/с «Женщина без прошлого»
18.00 Т/с «Родные люди»
18.30 «Местное время. Вести»
19.30 «Сказочной ночи, мальшай»
20.30 Т/с «Буфта страхи»
21.40 «Дежурный по стране»
22.40 «Вести ++»
23.00 «Частный детектив»
23.30 Симекиван.
00.00 «Дорожный патруль»
00.20 Х/ф «Мемфианская красавица»
02.15 Х/ф «Потанное»

НТВ

05.00 «Сегодня утром»
08.00 «Следствие вели...»
09.00 12.00 15.00 18.00 21.40 «Сегодня»
09.20 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю»
09.55 «Кульмарный поднежок»
10.55 «Культурный вопрос»
12.35 Т/с «Адвокат»
14.30 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор»
15.30 Т/с «Возвращение Мухомора»
18.40 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
20.40 Т/с «Закон и порядок»
22.05 Т/с «Погоня за ангелом»
23.05 Ток-шоу «Школа злословия»
23.55 «Оффтопик»
00.30 Х/ф «Я тебе обожаю»
02.20 Т/с

КУЛЬТУРА

09.00 Кинол «Героический»
09.00 18.30 22.30 «Новости культуры»
09.20 «В главной роли...»
09.40 00.35 Программа передач.
09.50 Х/ф «Моя последняя танго»
11.50 «Ленне жизни»
12.45 «Патю измержено»
13.15 Телеспектакль «Какие мы? Дети раздрозов»
14.30 Д/ф «Александр Чяенов: женщина»

15.00 М/с «Новые приложения мажорана Паддингтона»
15.20 М/ф «Верьмоса»
15.30 «Анды всерьез»
16.00 Д/ф «Жан Ламарк»
16.10 Д/с «Все о животноводстве»
16.35 «Плоды просвещения»
17.00 «Мелодия стихов»
17.05 Д/ф «Гоа. Соброя в джунглях»
17.20 «Достоинство республикин»
17.30 «БлонНПТ»
18.00 «Ночной полет»
18.55 Д/с «Терри Диконс и варвары», 1 с.
19.50 «Острова»
20.35 «Тайны забытых побед»
21.05 «Тем временем»
22.00 «Кто мы?»
22.50 «Мелодия стихов»
23.00 «Про Арт»
23.25 «Экология литературы»
23.55 Д/ф «Михаил Литвков. Один день и вся жизнь...»
00.40 Д/с «Терри Диконс и варвары», 1 с.
01.35 Д/ф «Гоа. Соброя в джунглях»

СТС

07.00 М/с «Человек-паук»
07.55 М/с «Смешарики»
08.00 11.30 18.00 Т/с «Моя прекрасная няня»
08.30 20.00 Т/с «Павлицы дочини»
09.00 21.00 Т/с «Я лечу»
10.00 Истории в деталях.
10.30 Т/с «Кто в доме хозяин?»
11.00 17.30 «Галакси»
12.30 Т/с «Дочки-матери»
13.30 Т/с «Вот такъв внезапная»
14.00 М/с
17.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»
18.30 Т/с «Герон»
19.30 00.50 «6 кадров»
22.00 Т/с «Серафимов»
22.58 Сказки
23.00 Х/ф «Бестолковые»
01.00 Истории в деталях.
01.30 «Слава богу, ты пришел!»

ТВ3

07.00 М/ф
07.45 М/с
08.45 М/ф
10.00 16.00 Т/с «Баффи - истребительница вампиров»
11.00 Х/ф «Оползени»
13.00 «Сигнал бедствия»
14.00 18.00 Т/с «Звездные врата»
15.00 «Мистика звезд»
17.00 «Лето»
19.00 Т/с «За гранью возможного»
20.00 Т/с «Кости»
21.00 Д/ф «Тайные знаки» - Софья Выходина Всея Рукия»
22.00 Х/ф «Сухая кость»
00.30 Т/с «За гранью возможного»
01.0 Х/ф «Восставший из ада-5. Прелюбление»

НТН

05.00 «Любовь и тайны Сансет Бич»
05.55 Голосные новости
06.00 18.00 Таки.
06.30 М/с «Ох, уж эти детки!»
07.00 18.30 Москва: инструкция по применению.
07.30 «Необычные, но факт»
«Чудеса»
08.30 09.00 17.00 19.00 19.30 Т/с «Счастливы вместе»
09.30 23.15 Т/с «Саша + Маша»
10.00 М/с
12.30 «Такси в Питере»
13.00 Т/с
13.30 20.00 22.40 00.40 «Дом 2»
14.10 Триллер «Медвежатики»
17.30 Т/с «Гумановиды в космосе»
21.00 Комедия «Еф-дворецкий»
23.45 Д/с «Хит-парад дикой природы»
01.35 Т/с

OTKAZOTI

- 5.55 Курсатувлар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 7.00 «Ийди»
- 7.05 «Икки тақдир» /Т.с/
- 7.45 «Дилуш тасалот»
- 8.00-8.35 «Айборт»
- 8.40 «Олтин мерос»
- 8.45 «Йодвор» /Т.с/
- 9.15 «Ихбор»
- 9.20 «Юртим бўйлаб» дастури: «Жаҳонни забт этган санъат»
- «Болалар сайёраси»:
- 9.40 «Уйла, Ила, Топ!»
- 10.20 «Картошкалар ва аждарҳо» /М.с/
- 10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
- 11.00 «Айборт»
- 11.10 «ТВ шафқор»
- 11.15 «Хайт синовалари» /Т.с/
- 11.50 «Айборт» /Инглиз/
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
- 13.00 «Икким»
- 13.05 «Сунги қиролчона» /Т.с/
- 14.00 «Айборт»
- 14.20 «Олтин мерос»
- 14.25 «Олам ва одам» дастури: «Денгиз тубидаги синоатлар»
- 15.15 «Замнат»
- 16.20 «Мозий сирлари»
- 17.00 «Айборт»
- 17.15 «Олтин мерос»
- 17.20 «Фара ва қара»
- «Болалар сайёраси»:
- 17.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар»
- 18.00 «Худудлар хайти»
- 18.15 «Ихбор»
- 18.20 «Йодвор» /Т.с/
- 18.55 2008 йил - Ёшлар йили. «Қамолот оқсоқали»
- 19.15 «Оналар оғушлари»
- 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар
- 19.30 «Айборт» /рус/
- 20.05 «ТВ шафқор»
- 20.10 «Хайт синовалари» /Т.с/
- 20.50 «Мияг бир ривоят»
- 21.00 «Айборт»
- 21.35 Эркин мавзу
- 21.55 «Сунги қиролчона» /Т.с/
- 22.55 «Ийди»
- 23.00 «Қўшимча, муҳаббат» /SMS/
- 23.10 «Икки тақдир» /Т.с/
- 23.50-23.55 Тунги наволар «Ўзбекистан»
- 23.55 Курсатувлар дастури.
- 24.00 «Мозий сирлари»
- 00.40 «Бир ўлка-ки»
- 01.00 «Айборт» /рус/
- 01.35 «Ёшлар майдони»
- 02.35 «Ушр бахори»
- 03.00 «Айборт» /Инглиз/
- 03.10 «KINOMANIYA»
- 03.40 «Истеъдод»
- 04.00 «Айборт»
- 04.30 «Мияг бир ривоят»
- 04.35 «Олтин мерос»
- 04.45 «Нафосат олами»
- 04.55 «Ўзбекистон табиати»
- 05.15 «Йодвор» /Т.с/
- 05.45-05.55 Тонги наволар



- 6.55 «Ватаним менинг!»
- 7.00 «Давраниг боласи»
- 7.10 «Мультипаролам»
- 7.30 «Тавтил тухфаси»
- 8.45 «Мароқли зоология»
- 8.10 «Нафосат олами»
- 9.20 «Алия» /Т.с/
- 9.55 «ЎзЕХ хабарлари»
- 10.00 «Давр»
- 10.10 «Ёшлар майдони»
- 11.10 «KINOMANIYA»
- 11.40 «Навоий хазинаси»
- 11.45 «Мулки мултоз»
- 11.55 «Жумон» /Т.с/
- 12.40 «Чемпион»

- 13.00 «Давр»
- 13.10 «Ватанпарвар»
- 13.40 «SMS-мушқ»
- 14.00 «Калиган Немо» /Т.с/
- 14.35 «Улут немат»
- 14.40 «Ёшлар йили»
- 14.50 «Ўзғуфия издошлари»
- 15.00 «Ёшлар майдони»
- 16.00 «Давр»
- 16.10 «Экспедиция» /Т.с/
- 16.55 «Болалар илкомини»
- 17.00 «Давраниг боласи»
- 17.10 «Мультипаролам»
- 17.35 «Болалар табассуми»
- 17.40 «Мароқли физика»
- 17.50 «Келакка ағзалари»
- 18.00 «Мулки мултоз»
- 18.10 «Ушқоқ аякаси»
- 18.15 «Калиган Немо» /Т.с/
- 18.50 «ЎзЕХ хабарлари»
- 18.55 «Юрт тинчлиги»
- 19.00 «Давр»
- 19.30 «Алия» /Т.с/
- 20.10 «Теллуфта»
- 20.15 «Абля тазым»
- 20.20 «Автопатруль»
- 20.40 «Ёшлар навоиси»
- 21.00 «Тошкент 2200»
- 21.05 «ЎзЕХ хабарлари»
- 21.10 «Жумон» /Т.с/
- 21.55 «Ватан меҳри»
- 22.00 «Давр»
- 22.30 «Самарқанд гавҳари»
- 22.35 «SMS-мушқ»
- 23.00 «Хайт-мамом» /Т.с/
- 23.45 «Таскин»

TOPIQENT

- 17.50 Курсатувлар тартиби.
- 17.55 Мультифильм: «Яшил водий сарин»
- 8-ясин
- 18.05 21.50 «Телекўриб» - маркет»
- 18.25 «Бизликсизми?»
- 18.30 «Поитайт»
- 18.50 «Эсмеральда» /Т.с/
- 19.20 «ТВ юрлст»
- 19.25 «Мушқ SMS»
- 19.50 «Ийди»
- 20.00 «Поитайт» /рус/
- 20.15 «ТВ юрлст» /рус/
- 20.20 «Амалдор» /Т.с/ /рус/
- 20.50 «Репортаж»
- 21.00 «Жозина»
- 21.30 «Поитайт»
- 21.45 «Уйларим»
- 22.10 «Oz-bektelefilm» намойиш этади: «Хатталот санъати»
- 22.30 «Поитайт» /рус/
- 22.45 «Кино SMS со звездами»
- 22.50-00.25 Кино: «Остров сокровищ»

SPORT

- 7.00 «Бодор утрос»
- 8.00 «Хабарлар» (рус тил)
- 8.25 «Малахов ++»
- 9.30 «Хабарлар» (узб. тил)
- 9.50 Серрал «Ташанин день»
- 11.20-11.50 Кураш. Ўзбекистон чемпиони оқти»
- 18.00 Болалар спортини
- 18.15 Мультифильм.
- 18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
- 18.50 Док. фильм: «Тяжелое счастье» - «Oz-bektelefilm»
- 19.15 «Жаҳон спортини юлдузлари»
- 19.30 «Европа шайхони»
- 19.50 Оғир атлетика. Ўзбекистон бичривчилиги.
- 20.30 «Бизнес-ривоз»
- 20.40 Тенис. «Ролан Гаррос» турнирини.
- 21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
- 21.50 Футбол. Халқаро учрашуви.
- 23.25 «Хроникаи ҳақуд: лезвие розы»
- Х/ф.
- 00.55 «Тунгизга осуда бўлсин!»

БИРИНЧИ

- 04.00 08.05 Телеканал «Доброе утро»
- 08.00 11.00 14.00 Новости
- 08.25 «Малахов ++»
- 09.25 «Контроль приговор»
11.00 Мировые хиты
11.30 «Обмануть всех» X/ф.
14.30 «Спец репортаж»
15.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 150-серия
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Топ-10»
18.30 «Жасига ўшаши йўк»
151-серия
19.00 Serial «Соф муҳаббат» 3-серия
21.00 Мировые хиты
21.30 Serial «24 часа»
22.20 Киноколлекция: «ГРОЗОВОЙ ПЕРЕВАЛ» X/ф.
00.20 Миксер

Пайшанба

07.00 08.30 10.20 13.30
17.30 19.50 21.00 Узбек наваллари
08.00 «Жасига ўшаши йўк»
151-серия

09.30 «Соф муҳаббат» 3-серия
11.00 Мировые хиты
11.30 «Грозовой перевал» X/ф.
14.30 «Премьера» (узб)
15.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 151-серия
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
18.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 152-серия
19.00 «Соф муҳаббат» 4-серия
20.30 «JannatMakol»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 «НАЦИОНАЛЬНАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ» X/ф.
00.05 Миксер

Жума

07.00 08.30 10.20 13.20
18.00 19.50 Узбек наваллари
08.00 «Жасига ўшаши йўк»
152-серия
09.30 Serial «Соф муҳаббат»
4-серия
11.00 Мировые хиты
11.30 «Национальная безопасность» X/ф.
15.00 «Жасига ўшаши йўк»
152-серия
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Премьера» (рус)
18.30 Serial «ЖАСИГА УШАШИ ЙЎК» 153-серия
19.00 Serial «Соф муҳаббат»
5-серия
20.30 «Тунлар муборак»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 «БОЛЬШЕ НЕ ПРИЯТНОСТИ» X/ф.
00.00 Миксер

Шанба

07.00 11.30 15.05 18.30
21.00 Узбек наваллари
08.30 Мировые хиты
9.30 «Больше неприятностей» X/ф.
11.10 Мировые хиты
12.00 Baby hits
12.30 Мультфильм
14.30 «Топ-10»
16.00 Семейное кино: «КУДРЯШКА СЬЮ»
16.00 Prime time (узб)
20.00 Мировые хиты
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 Блокбастеры по выходным: «ДО СМЕРТИ»
00.00 — 01.40 Другая музыка

Якшанба

07.00 11.30 16.40 20.05
21.00 Узбек наваллари
08.30 Мировые хиты
09.00 Prime time (узб)
09.30 «До смерти» худ. фильм
12.00 «Baby Terra Landiya»
12.30 Мультфильм
14.30 «Жасига ўшаши йўк» 149-153 сериялар
17.30 «JannatMakol»
18.00 Prime time (рус)
18.30 Мировые хиты
19.30 «Звездопад»
20.30 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 Блокбастеры по выходным: «КРОВАВЫЕ БРАТЯ»
00.15 Миксер

RTR SPORT**Чоршанба**

05.40 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
07.45 10.00 13.40 16.50 22.00 01.00
«Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф: «Колит»
08.35 М/ф: «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с: «Большая волна»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 «Скоростной участок»
10.55 Плавание. Чемпионат России. Прямая трансляция.
12.35 Настольный теннис. Клубный чемпионат России.
13.50 22.20 Навстречу ЧЕ по футболу.
14.20 «Самый сильный человек»
15.15 04.35 Автоспорт. ЧМ по ралли. «Ралли Акрполис»
16.20 «Путь Дракона»
17.05 22.50 02.20 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
01.10 ПБ. Сикан Самил Сан (Турция) - Силвер Махалл

Пайшанба

05.40 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
07.45 10.00 13.30 16.50 22.00 01.00
«Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф: «Колит»
08.35 М/ф: «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с: «Большая волна»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 «Путь Дракона»
10.55 Плавание. Чемпионат России. Прямая трансляция.
12.25 Настольный теннис. Клубный чемпионат России.
13.40 22.20 Навстречу ЧЕ по футболу.
14.10 Плейный волейбол. Чемпионат России.
16.00 «Рыбалка с Радзишевским»
16.15 01.10 «Тока отрыва»

17.05 22.50 03.35 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
19.40 Футбол. Товарищеский матч. Россия - Литва.
01.40 Художественная гимнастика. ЧЕ

Жума

09.00 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
07.45 10.00 13.30 15.50 21.45 01.00
«Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф: «Колит»
08.35 М/ф: «Принцесса Шехерезада»
09.20 Т/с: «Большая волна»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 «Тока отрыва»
10.55 Плавание. Чемпионат России. Прямая трансляция.
12.25 Настольный теннис. Клубный чемпионат России.
13.40 Навстречу ЧЕ по футболу.
14.10 Плейный волейбол. Чемпионат России.
16.05 22.10 03.10 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
20.00 Дневник. ЧЕ по футболу.
20.35 ПБ. Денис Батлов (Россия) - Хуан Карлос Томас (Куба).
22.05 «Вести-спорт. Местное время»
10.10 Художественная гимнастика. ЧЕ

Шанба

08.00 Теннис. Открытый чемпионат Франции.
07.45 10.00 14.00 17.10 22.25 02.35
«Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф: «Рюион Тино-Тави»
08.35 М/ф: «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с: «Большая волна»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 22.45 «Вести-спорт. Местное

время»
10.15 «Летопиcь спорта»
10.55 Плавание. Чемпионат России.
12.05 Финальные соревнования по баскетболу «Серебряная корзина»
12.40 ПБ. Денис Батлов (Россия) - Хуан Карлос Томас (Куба).
13.45 «Рыбалка с Радзишевским»
14.10 Плейный волейбол. Чемпионат России.
16.05 «Самый сильный человек»
17.20 02.00 Дневник. ЧЕ по футболу.
17.55 02.45 Теннис. Открытый чемпионат Франции. Женщины. Финал.
20.40 Гандбол. ЧМ. Мужчины. Отборочный матч. Булеария - Россия.
20.50 ПБ. Олджанер Солис (Куба) - Алексей Мезинин (Украина).
00.00 Художественная гимнастика. ЧЕ

Якшанба

05.30 Футбол. ЧЕ. Швейцария - Чехия.
07.40 10.00 14.00 17.05 21.55 02.35
«Вести-спорт»
07.50 Футбол. ЧЕ. Португалия - Турция.
10.10 22.15 «Вести-спорт. Местное время»
10.15 «Страна спортивная»
10.45 «Будь здоров!»
11.15 17.20 02.00 Дневник. ЧЕ по футболу.
11.50 Футбол. ЧЕ. Швейцария - Чехия.
14.10 Футбол. ЧЕ. Португалия - Турция.
16.30 «Сборная Россия»
17.55 02.45 Теннис. Открытый чемпионат Франции. Мужчины. Финал.
22.20 Плавание. Чемпионат России.
23.35 Автоспорт. Мировая серия. Сильверстоун.
01.25 Стрельба из лука. Кубок мира.

3. Хабар жўнатилганлигига ишонч ҳосил қилинг.
4. Веб-почта қутисини очинг ва янги хабар келганига ишонч ҳосил қилинг.

5. Янги хабарни очинг.

4-топшириқ. Файл кўшилган хатни жўнатиш.

1. Асбоблар панелида **“Хабарни яратиш” (Создать сообщение)**. Янги хабарнинг бўш шакли пайдо бўлади.

2. **“Кимга” (Кому)** сатрига алоқадорнинг манзиллини киритинг. Сўнгра ўзингизнинг манзиллингизни киритинг.

3. **“Мавзу” (Тема)** сатрига хабар мавзусини ёзинг.

4. Шакл асбоблар панелида **“Файлни кўшиш” (Добавить файл)** тугмасини босинг. **“Файлни очиш” (Вставка файла)** диалогли ойна очилади.

5. Хатга кўшмоқчи бўлган файлни танланг ва **“Очиш” (Вставить)** тугмасини босинг.


6. Танланган файлнинг номи хабар сарлавҳасининг **“Кўшиш”** сатрида пайдо бўлади.

Тамом

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази томонидан тақдим этилган ушбу компьютер сабоқлари юзасидан фикр-мулоҳазаларингиз бўлса, btimur@srmp.uz ёки berge@srmp.uz электрон почта манзилига йўллашингиз мумкин. Тел.: 150-41-53

8

КОМПЮТЕР САБОҚЛАРИ



Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда «Хабар» газетаси таҳририяти

(Давоми. Аввали газетанинг 9, 13, 14, 15, 16, 17, 20, 21-сонларида.)

11-дарс. Электрон почта. MS Outlook Express Умумий тушунчалар

Microsoft Outlook вақтни ва ахборотларни унумли бошқаришга ёрдам берувчи коммуникация қўлланмаси ҳисобланади ҳамда маълумотларни тез чоп қилиш ва ҳамкасблар билан бирга ишлаш имкониятларини беради.

Электрон почта, яъни **e-mail** бугунги тадбиркорлик оламида тенги йўқ алоқа воситаси ҳисобланади. MS Outlook – электрон почтадан унумли фойдаланиш ва электрон хатларни бош-

1

рини созлаш” бўлимини топинг.

3. Microsoft Outlook дастурини ишга туширинг.

4. Мастер ва почта серверининг кўрсатмаларига кўра ҳисоб ёзувини созлаб олинг.

5. Ҳисоб ёзуви муваффақиятли созланганидан сўнг, Microsoft Outlook дастурини ёпинг.

2-топшириқ. Манзиллар китобига янги ёзувни кўшиш.

1. Microsoft Outlook дастурини ишга туширинг.

2. “Сервис” менюсида **“Манзиллар китоби” (Адресная книга)** бўлимини танланг. **“Манзиллар китоби”** ойнаси очилади. Агарда тармоқда ишлаётган бўлсангиз, **“Манзиллар манбаи” (Источник адресов)** сатрида “Outlook манзиллар китоби” ёзуви кўринади. Акс ҳолда “Алоқалар” ёзуви кўринади.

3. Керак бўлса, **“Манзиллар манбаи”** сатрининг тугмасини босинг ва пайдо бўлган рўйхатдан “Алоқалар” бўлимини танланг.

6

маҳсус ахборот талаб қилинади. Ушбу ахборотни тизим маъмурияти ёки провайдер сизга бериши мумкин.

Outlook дастурини созлаш асослари

1. **Outlook** ни ишга туширинг, мулоқот ойнаси янги профили пайдо бўлади.

2. Профилингизнинг номини киритинг (масалан, сизнинг тўлиқ исмингиз) ва **“Ок”** ни босинг. “Электрон почта ҳисоб ёзуви” мулоқот ойнаси пайдо бўлади.

3. “Янги электрон почта ҳисоб ёзувини кўшиш” (Добавить новую учетную запись электронной почты) бўлимини танланг ва **“Далее”** тугмасини босинг. **“Сервер тип” (Тип сервера)** мулоқот ойнаси пайдо бўлади.

4. Ўзингизнинг ҳисоб ёзувингизни танланг ва **“Далее”** тугмасини босинг, ҳисоб ёзувини созлаш мулоқот ойнаси пайдо бўлади.

3

қариш учун ҳамма керакли воситаларни тақдим этади. Outlook билан ишлашнинг куйидагича имкониятлари мавжуд:

- электрон хатларни жўнатиш ва қабул қилиш;
- хатларга файлларни илова қилиш;
- манзиллар китобчасини яратиш ва бошқариш;
- хатларни тартиблаш ва архивлаш;
- шахсий хатларни безаш мумкин.

Outlook 2003 дастури Microsoft Exchange Server муҳитида ёки интернетдаги почта серверлари билан ишлаганда фойдаланувчиларнинг шахсий ҳисоб ёзувини қўллаб-қувватлайди.

Агар сиз **Outlook** дан биринчи марта фойдаланаётган бўлсангиз дастур томонидан сизга профил яратиш таклиф қилинади. Буни амалга ошириш учун фойдаланувчи номини киритишингиз, кирувчи ва чиқувчи электрон хатлар ҳисоб ёзуви учун паролингиз ва серверингиз номи каби

2

4. Асбоблар панелида **“Манзилни яратиш” (Создание адреса)** тугмасини босинг, бунда “Манзилни яратиш” ойнаси очилади.

5. **“Манзил тури” (Тип адреса)** бўлимида **“Алоқа” (Контакт)** сатрини танланг ва **“Ок”** тугмасини босинг. **“Алоқа”** тўлдириш шакли пайдо бўлади.

6. **“Тўлиқ исми” (Полное имя)** сатрида алоқадорнинг тўлиқ исм-шарифини киритинг.

7. **“Электрон почта”** сатрида алоқадорнинг электрон почта манзилини киритинг ва **“Сақлаш ва ёпиш” (Сохранить и закрыть)** тугмасини босинг.

8. “Алоқа” тўлдириш шакли ёпилади ва “Манзиллар китоби”да янги алоқа пайдо бўлади.

3-топширик. Microsoft Outlook ёрдамида хатларни жўнатиш ва қабул қилиш.

1. Microsoft Outlook дастурини ишга туширинг.
2. Янги хабарни яратинг ва уни аввалги дарсда яратган веб-почта қутисига юборинг.

7

5. Энди сиз керакли ахборотларни киритиб, маъмурият ёки провайдер тақдим этган кўрсатмаларни бажарасиз. Созлаш жараёнини тамомлаганингизда **Outlook** ойнаси пайдо бўлади.

Хатларни ўқиш ва иловаларни очиш

Outlook ишга туширилганида электрон почта серверидан ҳамма янги хатлар олинади ва **“Кирувчи хатлар” (Входящие)** папкасига юкланади.

Outlook да сиз бир қанча йўсинда ахборотларни ўқишингиз ва кўздан кечиришингиз мумкин:

- зарурий ахборотларни кўздан кечириш учун **“Автопросмотр”** функциясидан фойдаланишингиз;
- хатни очмасдан, уни кўздан кечириш бўлимида ўқишингиз;
- хатни алоҳида ойнада очиб ўқишингиз мумкин.

Манзиллар китобидан фойдаланиш.

Хатларни жўнатиш пайтида электрон почта ман-

4

зилларини қайта-қайта киритмасдан уларни **“Манзиллар китобчаси”**да сақлаб қўйиб, у ердан киритишингиз мумкин. Манзиллар китобидан фойдаланиш учун хат тузиш ойнасида **“Кимга” (Кому)** тугмаси босилади ва хат олувчилар пайдо бўлган рўйхат бўйича танланади.

Манзиллар китобида ёзувлар алоҳида манзиллар ёки манзиллар гуруҳи кўринишида сақланиши мумкин, бунда бир ёзувда бир нечта электрон манзиллар рўйхати мавжуд бўлади. Масалан, алоқани энгиллаштириш учун битта лойиҳа устида ишлаётган ишчи гуруҳни рўйхатга киритиб, уларга бир вақтда бир хатни юборишингиз мумкин.

11-дарс. Амалий топшириқлар

1-топширик. Мавжуд почта қутиси учун ҳисоб ёзувини созлаш.

1. Интернетга уланинг.
2. Почта серверига киринг ва “Ҳисоб ёзув-

5

NISHONDORLARIMIZ

Меҳнат қилган Топади камол

Аёли улуғланган, эъзозланган юрт кудратли ва даражаси юқори бўлади, дейди доно халқимиз. Бунда чуқур маъно бор. Зеро, аёл аввало она, унинг ҳаёти осойишта, қалби эса яқинлари меҳри билан банд бўлмоғи лозим. Ушандагина у жамиятга фойда беради, соҳасига сидқидилдан хизмат қилади. Ана шундай аёлларимиздан бири, А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилояти ахборот-кутубхона маркази директори тизимлаш ва каталоглаштириш бўлимида 40 йилдан бери меҳнат қилиб келаётган Мастура опа Ҳайтбоева тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз.



М.Ҳайтбоева 1965 йили оддий ишчи вазифасидан то шу кунга қадар бўлим бошлиғи, АКМ касаба уюшмаси раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Опа вилоятимиздаги энг зиёли оналардан бирининг бекаси, икки ўғил, бир қизнинг онаси, шириндан-шакар набираларнинг сеvimли бувиси. Оиладаги ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳаббат, маънавий бойлик Мастура опанинг ўз касбига қизиқиши ва ҳавасини янада оширди. М.Ҳайтбоева вилоятда биринчилардан бўлиб «Ирбис» дастурини ўзлаштириб, ҳозирги кунда ўз бўлими ходимлари билан шу дастур бўйича АКМ фондидаги нодир адабиётларнинг электрон каталогини яратмоқда.

— Касбим — менинг фахрим, чунки шу касб туфайли мана шундай ҳурматга сазовор бўлиб турибман. Меҳнат қилган камол топади, деган нақл ҳақиқат эканлигига амин бўлдим. Ешларга насихатим, ўз касбингизнинг устаси бўлиш учун доим изланишда бўлинг, ҳар бир топшириқ ва вазифаларни сидқидилдан бажарсангиз кам бўлмайсиз, — дейди Мастура опа.

Опанинг хизматлари қадрланиб, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Ўз касбининг устаси" белгиси билан тақдирланди. Шу муносабат билан М.Ҳайтбоевани барча АКМ жамоаси номидан табриклаб, узоқ умр тилаб қоламиз.

Маҳбуба КУЛОВА,
вилоят АКМ бўлим бошлиғи

FAХRIYLAR — FAХRIMIZ

Касбига меҳр қўйса...

Алижон ака Ҳақимов ўз касби орқали эл орасида ҳурмат қозонган замондошларимиздан. У 43 йил Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғламасида меҳнат қилди. Шаҳарда Алижон акани танимаган одамнинг ўзи йўқ. Устани гоҳ у маҳаллада, гоҳ бу маҳаллада симёғочга чиқиб олиб телефон симини таъмирлаётганини кўп кўрганман. Уни шаҳар аҳли ҳам, ўзи истиқомат қилаётган "Турон" маҳалласида яшовчилар ҳам "Алижон телефончи" деб аташади.

Алижон ака бор ғайрат-шижоатини телекоммуникация ривожига бахшида этиб, аҳолига сифатли алоқа хизматини кўрсатишда касб-

дошларига намуна бўлиб келган.

— Бугунги кунда аҳолининг алоқа хизматида бўлган эҳтиёжи кундан-кунга ошиб бориляпти, — дейди Алижон ака. — Бу соҳага янги технологияларни татбиқ этиш, тизимда мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Икки йил олдин шаҳаримиз марказидаги 33-рақамли, ипакчилар шаҳарчасидаги 35-рақамли, темирйўл шохбекатидаги 37-рақамли телефон станциялари хорижда ишлаб чиқарилган замонавий электрон ускуналар билан жиҳоз-

лангани боис носозликларга, узилтишларга чек қўйилди. Бу марғилонликларга ўз уйларида туриб дунёнинг исталган бурчагига сим қоқиш имконини берди.

Алижон аканинг ўғли Анваржон ҳам изидан бориб, шаҳар АТСида монтаж вазифасида ишлаб келмоқда. Меҳнат фахрийси А.Ҳақимов кўп йиллик иш фаолияти довомида қатор фахрий ёрликлар, медаллар билан тақдирланган.

Муҳаммаджон
МАҲМУДОВ
Марғилон шаҳри

Орзу йўлида

Мактабни битиргач, уйдагиларга орзу-ниятим билан таҳсил олмоқчи эканлигимни айтганимда, улар: "Қизим, танлаган касбингни эгаллашинг учун Тошкентга боришинг керак. Яхшиси, мақсадингни ўзгартир", дейишди. Мен эса вилоятимизда ҳам Транспорт ва алоқа касб-хунар коллежи борлигин айтдим.

— Майли, ўзинг биласан-у, аммо Какайди кўргони ҳам яшаб турган жойимиздан анча узоқда-да!..

Агар аҳд қатъий бўлса, масофа билинмас экан. Ҳозир Термиз туманидан Жарқўргондаги Какайди транспорт ва алоқа касб-хунар коллежига бориб ўқиёпман. Бизнинг "Халқаро алоқа" йўналишидаги гуруҳимизда 33 нафар йигит-қиз хунар ўрганмоқда. Дилмурод ака Жабборов шарт-шароитлар ва муаммоларимиз билан доимо шугулланиб келмоқда. Шу боис ўқишимиз яхши, касбга бўлган меҳримиз тобора ортиб бормоқда.

Халқаро алоқа сирларини чуқур эгаллаб олишга жиддий киришганман. Келгусида Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси бўлиш нияти билан яшаяпман. Чунки алоқачилик касбини танлаган ўзимман. Шундай экан, эзгу орзум сари интилиш ва изланишда ҳормай-толмай давом этавераман.

Нигора ЖўРАЕВА
Сурхондарё вилояти

1895 йилга келиб телеграф линиялари бутун дунё бўйлаб тортилди. XIX аср охирида АКШда 1,5 миллионга телефон жиринглаб ишларди. Симли линиялар қуриш учун тоғ-тоғ металл сарфлангани боис симсиз алоқа яратиш гоёси кўпчиликка тинчлик бермас эди.

Янги алоқанинг вужудга келишида россиялик 36 ёшли ўқитувчи Александр Попов ва италиялик 20 ёшли талаба Гулелмо Маркони номлари тилга олинади. Попов чақмоқ разрядларини узоқ масофада туриб қайд этувчи қурилмани ихтиро қилди. Унинг ихтироси ҳар қандай электромагнит тебранишдан таъсирланарди. У мосламага 2,5 метри антенна ўрнатиб, сезирлигини оширди. Бу ихтиро — радиоприёмник эди.

Телеграф тарихи аянам қадимроқ, Белги ва элтувчи телеграф XVIII аср охирида франциялик Клод Шапп ва Иван Кулибин томонидан ихтиро қилинган. Клод Шаппнинг ихтироси 1794 йилда Парижда қўлланилган. Америкалик Сэмюэл Финли Морзе 1832 йилда ҳаваскор расом сифатида телеграф аппаратининг расмини чизди. Аммо битта сим орқали телеграф белгиларини узатиш мумкинлиги фақат 1844 йилга келиб исботини топди.

Телефон лойиҳасини дунёда биринчи бўлиб Александр Белл чизган. 1895 йилнинг июлида 28 ёшли Белл мембрана ўртасига игна ўрнади. Игна электромагнитнинг ҳаракатдаги қисми билан боғланиб, товуш рупорда баланглашиб, мембранада йнғиларди. Ток манбаининг бир сими ерга, иккинчиси электромагнит ўрамини орқали алоқа линиясига уланарди. Шу-шу телефон пайдо бўлди.

Юксалиш

Йиллар ўтиб, бу каби ихтиролар тақомиллашди, ҳозирги давр алоқа тизимининг янги авлодлари пайдо бўла бошлади. Телефон, телеграф, радиоалоқа... Булар уйғунлашиб, борган сари яхлит ҳолда алоқа хизмати деб аталган.

— Мен қарийб 35 йилдан буён алоқа касбини шарафлаб келаман, — дейди Қашқадарё вилоятидаги "Дунё-М" АЖ алоқа муҳандиси Нишон Усмонов. — Бундан бир неча йил олдин "Элегант Элдорадо" МЧЖни ташкил қилдим. Кўп тармоқли ҳисобланган жамиятимиз замонавий мини АТС ускуналари билан жиҳозланиб, алоқа хизмати сифати юқори даражага кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, "ЎЗИ-Қарши" филиали сўзлашув масканларида шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизма-

ти кўрсатувчи 17та ижарачи, 4та таксофон алоқа хизмати кўрсатувчи ижарачи фаолият кўрсатиб келади. Алоқа хизмати кўрсатувчи ижарачилардан Зтаси МЧЖ "ЎЗИ" қўшма корхонасининг лицензияси асосида фаолият олиб борса, қолганлари "ЎЗИ-Қарши" филиалининг

телефон рақамларини ижарага бериш тўғрисидаги шартномаси асосида алоқа хизматини кўрсатиб келмоқда.

— "Элегант Элдорадо" МЧЖга қарашли 3та шаҳарлараро ва халқаро алоқа сўзлашувлар шаҳобчаси мавжуд бўлиб, уларда уч нафар оператор меҳнат қилмоқда, — дейди Нишон Усмонов. — Мижозларга хизмат кўрсатишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги буйруқлари ва "Ўзбектелеком" АК томонидан тасдиқланган прейскурантга амал қиламиз. Олдинда режаларимиз кўп. Улардан бири факс ва интернет хизматларини йўлга қўйишдир. "Ўзбектелеком" АК карточкалари асосида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувларни амалга ошириш мижозлар учун енгиллик туғдирмоқда. Нархи ҳам арзон ва қулай.

Албатта, бугун алоқа хизмати кириб бормаган жабҳанинг ўзи йўқ. Кишилариимизнинг унга бўлган эҳтиёжи ҳам бунга мисол. Тўғри, ҳаётимизда мобил алоқа-си жадаллик билан ривожланаётганлиги сезилмоқда. Бироқ тад-

биркорларимиз томонидан аҳолига кўрсатилаётган сифатли шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар шаҳобчаларининг ўзига яраша афзаллиги бор. Аҳоли гавҳум ёки чекка қишлоқларда бу каби хизматларнинг йўлга қўйилиши эҳтиёж ва талаб натижасидир.

Маълумот ўрнида шунини айтиш мумкинки, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чоралар дастурига мувофиқ 2008 йилда 4200га яқин кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этилади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 40 млрд. сўмдан ошмиқ кредит маблағларини ажратилиши ва бу орқали 14500га яқин кишини иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, жорий йилда вилоятда 52 мингга яқин янги иш ўринлари яратилади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш Дастурига мувофиқ жорий йилда хизматлар ҳажми 2007 йилга нисбатан 117,7 фоизга ўсиши ёки 754 млрд. сўмга етказилиши лозим. 174та хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ташкил этилади. Ушбу мақсадлар учун 1,5 млрд. сўм маблағ ажратилади. Банк, аудиторлик, суғурта, молия, лизинг ва алоқа хизматларини кўрсатиш янада ривожланади.

Буларнинг барчасини ислохотларнинг инсонларга хизмат қилиши деб баҳолаш мумкин.


Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё
вилоятидаги муҳбири

BU – QIZIQ!

ҚАНЦ, ДАХУНПАО
ЧОЙИНГЗДАН ҚУЙИНГЧИ...

Чой – бутун дунёда энг севимли ичимлик. Бир пиёла чой устида дўстлар билан чакчақлашиб ўтириш қандай ёқимли.

Чой етиштиришнинг турли даврларида унинг кўплаб турлари ва навлари яратилди: қора ва кўк, қизил ва оқ. Ҳар бири таъбга қараб.



Дунёдаги энг қиммат чой Дахунпао деб номланган, бу хитой тилидан таржима қилинганда, "Алвон ридо" ёки "Улкан қизил чопон" деган маънони билдиради. Бу ўсимлик гуллаган пайтида, яъни май ойида куртаклари етилиб, очилиш арафасига келганда қип-қизил кийим кийиб олганга ўхшаши боис шундай ном олган.

Дахунпао чойи Уишан тоғларида етиштирилаётган машҳур Улун чойининг энг қимматбахо бир тури ҳисобланади. Тяньсин ибодатхонаси яқинида ўсувчи бу мўъжизавий неъмат фақат олтига шох чиқаради. Шохларининг ёши 350да. Йилига 500 грамм ҳосил беради, холос.

Фуцзян музофотида 2005 йили ўтказилган аукционда мазкур чойнинг баҳоси рекорд натижани қайд этди – унинг 20 грами (тўрт қошиқ) 208 минг юан (тахминан 25 минг доллар)га сотилди.

2006 йилда барча ҳосил Хитой миллий музейига экспонат сифатида сақлаш учун олиб келинди. Ўтган йили эса чой баргини йиғишга тақиқ эълон қилинди. Шунга қарамасдан, бугунги кунда "Улкан қизил чопон"ни татиб кўришга ҳаммининг имконияти бор. Чунки, омилкорлар ўтган асрда чойнинг она шохларини олиб, уларни вегетатив усулда кўпайтиришни ўзлаштириб олишди. Дахунпаони бир маротаба ичиб кўрган киши унинг тақорланмас таъмини узоқ вақт эслаб юриши аниқ.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР



- Сабзавотларни арчишдан олдин ярим соатдан бир соатгача совуқ сувга солиб қўйинг: таранг тортади, юпка арчилади.
- Ўғтал иссиқ ошиб кетгандан бўлса шотут, собур, шолғом, турп ва шакароб даво.
- Бир қатор касалликларда, масалан, ўпка силида қор, ёмғир сувларидан чой дамлаб ичиш фойдалидир.
- Беҳи уругини янчиб истеъмол қилиш юрак хасталигига даво.
- Буйрагингиз оғриси ҳар куни тарвуз, бодрингни кўп тановул қилинг. Улар ювиш хусусиятига ҳам эга.
- Газета, китоб қоғозларига овқат, нон ўраш зарар, унда кўрғошин моддаси бор.
- Совуқ сув ичгандан кўра яхна чой ичган маъқул, чунки совуқ сувда касаллик туғдирувчи зараркунадалар сероб бўлади.
- Хом бақлажон қанд касалига даводир.

BILASIZMI?

- Энг дастлабки ёзув қуроли бир тарафи ўтда куйдирилган ёғоч эди. Ундан ибтидоий тузум вакиллари фойдаланишган.
- Ўрта асрларда кенг тарқалган ёзув қуроли – ғоз пати бўлган. Аммо у билан атиги 2-3та мактуб ёзиш мумкин эди. XVIIIнинг охирларига келиб мазкур ёзув қуроли пўлатдан ишланадиган бўлди.
- Графитли қалам ҳақидаги илк қайдлар 1565 йили ёзилган илмий рисолаларда учрайди. У ахлит графитдан иборат бўлиб, ёғоч билан ўралмаган эди.
- Графитни тежаш мақсадида уни ёғоч ичига жойлаштиришни фаранг кимёгари Никола Кожже XVIII асрда ўйлаб топган.
- Ҳарбий эҳтиёж туфайли вужудга келган шарикли ручка илк маротаба 1945 йили Нью-Йорк бозорларида сотувга чиққан. Айтишларича, анчайин қиммат бўлишига қарамай биринчи куннинг ўзидаёқ 10000 дона ручка сотилган экан.
- Европаликлар Лотин Америкасини босиб олганидан сўнг каучукни қўлга киритдилар. Унинг ёрдамида қалам билан ёзилган белгиларни бемалол ўчириш мумкин эди. Бугунги кўринишдаги ўчиргични 1770 йилда англиялик кашфиётчи Жозеф Пристли тайёрлаган. Қаламнинг орқа учига ўчиргични ёпиштириб қўйишни америкалик Хайман Липман 1858 йилда таклиф этган.

ХАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВСАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

"ЭФФЕКТ - МОЛИЯ"

ЎҚУВ МАРКАЗИ ҚУЙИДАГИ ИНТЕНСИВ ЎҚУВ
БЎЛИМЛАРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

I. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

- (малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)
- **Ўрта ва кичик бизнес менежери** – 1 йил, тезкор-5 ой, 1 ойга – 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонуничилиги, компютер, интернет).
- **Бухгалтер-молиячи** (бош ҳисобчи даражасида) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга – 35 минг сўм (нолдан балансгача, компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).
- **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.
- **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** - шартнома асосида.
- **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер, Ҳужжатлаштириш. Меҳнат қонуничилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга – 40 минг сўм.
- **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга – 40 минг сўм.
- **Қадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга – 40 минг сўм (компютер, Internet, меҳнат қонуничилиги).
- **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 40 минг сўм (компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).
- II. **АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:** (фақат яқка тартибда)
- **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга – 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
- **Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга – 40 минг сўм.
- **Компютерларда локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
- **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеомонтаж) дастури - 1 ой, 40-50 минг сўмдан.
- **WEB-сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) -

- 2 ой, 1 ойга – 50 минг сўм.
- **Дастурлаштириш** (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) - 6 ой, тезкор 3 ой, 1 ойга – 150 минг сўм.
- **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга – 150 минг сўм.
- **Узли телефонни тазмирлаш** - 3 ой, 1 ойга – 100 минг сўм.
- **Узли телефонни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.
- **Программаларни ўрнатиш, дискларга ёзиш, офис техникалари билан ишлаш, антивирус билан ишлаш** - 1 ой, 100 минг сўм.
- **Аудио, видеоаппаратуралар тазмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 50 минг сўм.
- III. **ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:** (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
- **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чуқур ўрганиш) гнд-тархмон - 4 ой, (олий курси) галлашув клуби - 4 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, галлашув клуби - 4 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Немис, француз, инглиз, рус, корей, турк ва араб тиллари** - (яқка тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга – 100 минг сўм.
- IV. **ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:** (фақат кичик гуруҳларда)
- **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 50 минг сўм.
- **Сартарош-стилист, ледикор-маникор** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Тирноқларни ва кичрикларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, ахриш ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яқка тартибда) - 1 ой – 150 минг сўм.
- **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** - (компютер ва интернет

- билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга – 20 минг сўм. Ўқиш полиқлиниқда.
- **Фармацевтика** (компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга – 20 минг сўм. Ўқиш дорихонада.
- **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Астарли устки кийимлар тикиш** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Тўй ва оқшом қўйлаклари тикиш** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 30 минг сўм (яқка тартибда).
- **Газламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор 10 кун, 1 ойга – 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Қўлда кийим-буюмлар тўқувчи** (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 25 минг сўм.
- **Бисер усулида кашгачи-безакчи** (олий курси билан) - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Бисер асосида дизайн** - (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Зардўзлик** - (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 25 минг сўм.
- **Машинида ва қўлда кашта тикиш** (вишивка) - 3 ой, 1 ойга – 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Ўйгур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортик овқатлар) 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Пазандачилик** - (пишириқлар, тортилар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор - 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга – 20 минг сўм.
- **Тортиларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм, (яқка тартибда).
- **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга – 70 минг сўм. Яқка тартибда, заргар ўргатади.


- Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингизданоқ бошланади.
- Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар буйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома талаб қилинади. Тўлов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!
- **Сертификат-диплом берилади.**
- **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кўчи – яқшанба. **Ётоқхона** - 1 ойга 25-30 минг сўм.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 84-уй, "Қозоғистон" кинотеатрининг ўнг томонида.

АВТОБУСЛАР: 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115.

КЕЛИШ ЙЎЛИ: метронинг Минор, автобусларнинг "Қозоғистон" кинотеатри бекати.

Тел.: 235-10-36 (факс), 234-70-69.



SPORT

КУБОК АЛОҚАЧИ ТАЛАБАЛАРДА

Ёшлар йилида талаба ёшлар фаоллигини янада ошириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида "Камолот" ЕИХ Фарғона вилояти бўлими Кенгаши ташаббуси билан Фарғона шахрида мини-футбол мусобақаси ўтказилди. Унда Фарғона давлат университети, Фарғона политехника институти, Қўқон давлат педагогика институти, Тошкент тиббиёт академияси ва ТАТУ Фарғона филиаллари талабалари иштирок этишиб, спортнинг мазкур тури бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Қизгин кураш остида ўтган беллашуларда ТАТУ Фарғона филиали футболчи талабалари биринчи ўринни эгаллашди.

Мусобақада совринли ўринни эгаллаш – ҳамisha ёқимли. Лекин унга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди, албатта. Жамоавий уюшқоқлик, кўтаринки рух, бирдамлик, аниқ мақсад сари чидам билан ҳаракат қилинмаса, қутилган натижа юзага чиқмайди. Ана шу оддий ҳақиқатни чин юракдан ҳис этган ТАТУ Фарғона филиали ҳаваскор футболчилари бошқа жамоалардан устунликларини исботлай олдилар. Айниқса, бу жамоада тўп сурган 614-06 гуруҳ талабаси Нуриддин Рустамов, 618-07 гуруҳ талабаси Илгор Фофуров, 632-07 гуруҳ талабаси Дониёр Аҳмаджонов ва бошқаларнинг киритган тўплари, чиройли ўйинлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Кези келганда ТАТУ Фарғона филиалида спорт турлари бўйича беллашулар тез-тез ўтказиб турилишини айтиб ўтмоқ лозим. Наманган, Фарғона, Андижон вилоятларининг турли шаҳар ва туманларидан келиб таҳсил олаётган талабаларда спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи каби турларига қизиқиш кучли эканини қўлга киритилган ушбу кўб ҳам кўрсатиб турибди.

Қ.САМИНЖОНОВ,
"Камолот" ЕИХ
бошланғич ташкилоти
етакчиси

Ўтганларнинг охирига олоб бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг Қарши ПИЧУ марказий сугурта бўлими хабарчиси Собир Хоналиевга онаси **ТУРСУНОЙ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

"ҚУРУВЧИ"НИНГ ЧОРАК ФИНАЛДАГИ РАҚИБИ – "САЙПА"

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шахрида Осиё Чемпионлар лигасининг чорак финал ва ундан кейинги баҳсларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, "Курувчи" чорак финалда Эроннинг "Сайпа" клубига қарши тўп суради-ган бўлди.

"Сайпа" жамоаси яқиндагина бош мураббийсиз қолган эди. "Сайпа" бош мураббийи лавозимида фаолият олиб борган машҳур Али Даий ўтган ҳафтада Эрон миллий терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, "Курувчи" ҳам, "Сайпа" ҳам ОЧЛнинг дебютантлари ҳисобланишади. Эронликларга қарши дастлабки учрашув 17 сентябр кuni сафарда ўйналса, жавоб баҳси, орадан бир ҳафта ўтиб, 24 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтади.

"Курувчи" чорак финал баҳсларини муваффақиятли ўтказиб, ярим финалга йўлланма олса, унда Миржалол Қосимов шогирдлари "Кашима Антлерс" (Япония) – "Аделаида Юнайтед" (Австралия) жуфтлиги голибига қарши тўп суришади. Агар "Курувчи" финалга йўл олгудай бўлса, унда финал баҳсининг жавоб учрашуви Тошкентда ўтказилади.



2 ИЮН: СИНГАПУР – ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Жаҳон Чемпионати 3-саралаш босқичи навбатдаги тур учрашувида тайёргарлик маъмулотларни бошлади. Ушбу йигин 31 майга қадар пойтахтимизда давом этади.

Рауф Инилеев йиғинга 24 нафар футболчини жалб этган, шунингдек, икки футболчи захира рўйхатидан жой олган.

Терма жамоа таркибида янги ўйинчиларни ҳам учратиш мумкин. "Курувчи" таркибида ўзларини кўрсатаётган – дарвозабон Мурод Зухуров ва ярим ҳимоячи Жасур Хасановларни Рауф Инилеев терма жамоамизга қақирди. "Курувчи"нинг яна бир аъзоси Анвар Солиев ҳам терма жамоага қайтди. Шунингдек, пойтахтнинг "Локомотив" клуби аъзоси Олим Навқаров ҳам илк бор таркибдан жой олди.

Эслатиб ўтамиз, 2 июн кuni Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафарда Сингапур термасига қарши майдонга тушади.



КЛУБЛАР ЎРТАСИДАГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БААДА ЎТАДИ

Клублар ўртасидаги Жаҳон Чемпионати Японияда ўтишига ўрганиб қолган эдик. Аммо энди 2009 ва 2010 йилларда бу турнирга Бирлашган Араб Амирликлари мезбонлик қиладиган бўлди. Бу ҳақда ФИФА президенти Жозеф Блаттер Сиднейдаги ижроия кўмитаси йиғилишида эълон қилди.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Мазкур ҳафтада жаҳоннинг бир қатор яшил майдонларида ўртоқлик учрашувлари ўтказилди.

- Сербия – Россия – 1:2
- Черногория — Қозоғистон — 3:0
- Ҳиндистон – Тайван – 2:2
- Қатар – Ливан – 2:1
- Саудия Арабистони – Кувайт – 2:1
- Япония – Парагвай – 0:0
- Молдова – Арманистон – 2:2
- Норвегия – Уругвай – 2:2
- Англия – АҚШ – 2:0
- Исландия – Уэльс – 0:1



МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)
- Бахтиёр КУБЕЕВ
- Шомансур ОБИДХҲҲҲҲҲ
- Миродил САНГИЛОВ
- Шухрат СОДИҚОВ
- Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
- Асаджон ХҲҲҲҲҲ
- Рустам ҚОСИМОВ
- Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатта олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахрирнинг фикридан фарқланиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
Реклама матнларининг тўғрилик-гига тахрирнинг жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

453-Г сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳақми 4 босма табақ.
Алаш: 12356 нуска.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслидин БҲҲҲҲҲ.
Матн терувчи: Диффуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 8

1-IYUN — XALQARO BOLALARNI HIMOYA QILISH KUNI

Болалар — ҳаётимиз кувончи, эртаимиз эгалари. Уларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳамда маънавий жиҳатдан ҳимоялаш, яйраб яшашлари учун шароит яратиб бериш катталарнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бу ишларни амалга оширишга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти "ЮНИСЕФ" болалар жамғармаси ходимлари ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшмоқдалар. Жамғарманинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат, унинг Ўзбекистондаги вакиллари томонидан қандай ишлар олиб бориляпти? Мухбиримиз мазкур жамғарманинг Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш дастури бўйича халқаро маслаҳатчиси Шима Баркин-Кузмин билан ана шулар ҳақида суҳбатлашди.



— Шимаҳоним, болалар ҳуқуқини ҳимоялаш борасида дунё миқёсида нималарга эътибор берилляпти, шу ҳақда гапириб берсангиз?

— Болалар ҳуқуқини муҳофаза этиш, уларнинг дунё неъматларидан тўлиқ фойдаланишлари, камситилмасликлари ҳақидаги қонунқондалар "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро Конвенцияда ўз аксини толган. Жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида ана шу Конвенцияда белгиланган ҳуқуқий нормалардан четга чиқмасликка ҳаракат қилинади. Мабодо болаларга нисбатан ноҳақлик содир этилса, жамият вакиллари ўз фикрларини билдириб, халқаро ҳамжамиятга мурожаат этишади. Ва имкон қадар муаммони ҳал этишга ҳаракат қилишади. Негаки, бола — у қаерда, қандай оилада, қайси мамлакатда яшашидан қатъи назар, оила шароитида барча имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб яшашга ҳақли. Болани диний, ирқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қолаверса, ижтимоий ёрдамга муҳтож, яъни бола-

лар уйларида, мактаб-интернатларда яшовчилар, ногиронлар, жазо муддатини ўтаб қайтган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда давлатнинг ролини ошириш лозим. Болалар имкон қадар оилада ёки шунга яқин шароитда ўсишлари, ота-онасиз ёки ногирон болалар ҳамма қатори билим олишлари шарт. Меҳрибонлик уйлари ёки мактаб-интернатлар охириги чора бўлмоғи лозим. Иқтисодий ночор оилаларга ёрдам бериш ҳам биринчи галдаги вазифадир.

— Ташкилотингиз вакиллари томонидан "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция ҳамда "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни тарғиботи, унинг ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистонда қандай ишлар олиб бориляпти?

— Аввало шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон учун катта ютуқ. Чунки, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги халқаро Конвенция ратификация қилинганидан сўнг ҳар бир давлат маҳаллий қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириши лозим бўлади. Ўзбекистоннинг юқоридаги қонуни Конвенцияга кирган асосий тамойилларни ўзида мужассам этган бўлиб, у 29 банддан иборатдир.

Қонун тарғиботи борасида бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, газеталарда мақолалар бериш билан бирга, жойларда семинар-тренинглари ўтказаямиз. Тошкент шаҳрининг С.Раҳимов, Чилонзор туманларида бўлиб ўтган тадбирда маслаҳатчимиз Рутт Женинс иштирок этди. Эндиликда Андижон, Бухоро, Гулистон, Самарқанд шаҳарларида ҳам ана шундай семинар-тренинглари ўтказиш ниятимиз бор. Шунингдек, болаларни давлат муассасаларидан олиб, оила шароитига жойлаштириш лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда.

— Болалар ўртасида ногиронликнинг олдини олиш ва ногирон бола-



ларга амалий ёрдам бериш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Жамғармамиз статуси бўйича болаларга индивидуал ёрдам берилмайди, балки турли давлат, нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Биз фаолиятимиз давомида "Махсус олимпиада" халқаро ташкилоти ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашув маркази билан ҳамкорликда ногирон болаларга амалий ёрдам беришга оид махсус дастур тузганмиз ва шу асосда иш олиб бораёмиз. Унинг ижросига бошқа халқаро ташкилотлар ҳам қўшилаётганлари кувончлидир. Дастур доирасида биз ёш болалардан иборат маслаҳат гуруҳи ташкил этганмиз. Гуруҳ таркибига 12 нафар ногирон бола киритилган. Улар Тошкент шаҳри ва вилоятда олиб бораётган ишларимизга муносабат билдириб туришибди. Ногиронлик муаммоларини ўрганиш мақсадида Ангрэн, Жиззах шаҳарларидаги махсус мактаб-интернатларда бўлди.

— Ўтган йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасида болаларни ижтимоий ҳимоя

қилиш истиқболлари мавзусига бағишланган конференция ва унинг якуни бўйича қабул қилинган дастур ижроси ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Конференциядан сўнг болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида анча ўзгаришлар бўлди. Болалар ижтимоий мослашув маркази билан биргаликда сиз айтиб ўтган дастур ижроси бўйича Бухоро, Гулистон, Андижон шаҳарларида иш олиб бораёмиз. Энг муҳими, ижтимоий ходим мутахассислиги Ўзбекистон Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги рўйхатидан ўтди. Эндиликда Самарқанд, Фарғона давлат университетлари ҳамда Тошкент маданият институтида ижтимоий ходимлар тайёрловчи бакалаврият гуруҳлари очилди. Соҳада ишлаётганлар эса қайта тайёрлов курсларида ўқийдилар. Бизнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса — ҳар бир бола катталарнинг меҳр ардоғида бўлсин!

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Муборак МИРКАМОЛОВА суҳбатлашди

MOBIL ALOQA YANGILIKLARI

CAMEL-РОУМИНГНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

«Unitel» МЧК («Билайн» савдо белгиси) ўз абонентлари учун Camel технологиясига асосланган автоматик роуминг хизмати кўрсатиш бўйича ҳамкорлар сони кенгайганини маълум қилади. Энди Camel-роуминг «Mobitel» (Шри-Ланка), Aljawal, Saudi Telecom Company (Саудия Арабистони) ва «Afghan Wireless Communication Company» (Афғонистон — бир томонлама тартибда: «Afghan Wireless Communication Company» абонентлари учун «Unitel» тармоғида) тармоқларида ҳам мавжуд.

«Билайн»нинг Camel-роуминг хизмати абонентларга (жисмоний шахслар) исталган мусбат балансда уяли алоқа телефонидан хорижий мамлакатда фойдаланиш ҳамда харажатларни реал вақт тартибидан назорат қилиш имконини беради.

Шахсий депозитни тўлдириш учун юқорида санаб ўтилган мамлакатларда юрган «Билайн» абонентлари экспресс-тўлов карталаридан фойдаланишлари, шунингдек, ўз балансларидаги маблағни билиб олишлари мумкин. Халқаро Camel-роумингни ишга тушириш учун бирор амалиётни бажариш талаб этилмайди, яъни ушбу хизмат автоматик равишда ёқилади ва Ўзбекистондаги «Билайн»нинг барча абонентлари (жисмоний шахслар) учун амал қилади.

Батафсил маълумотни 0611 рақамига кўнғироқ қилиб ёки www.beeline.uz сайтидан олиш мумкин.

Табриклаймиз!

АТ «Алоқабанк»нинг Сурхондарё филиали жамоаси кредит бўлими бошлиғи ўринбосари Тўлқин НУРМАТОВ, ахборотлаштириш бўйича етакчи мутахассис Хуршид РАҲИМОВ ҳамда валюта айирбошлаш шаҳобчаси назоратчиси Ситора ҚУРБОНОВАларни таваллуд айёмлари билан самийий табриклаб, ҳамкасбларига узоқ умр тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси Учқизил почта алоқаси тармоғи раҳбари Бахтиёр АННА-ЕВНИ тугилган кунини билан табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва оилавий тинч-тотувлик тилайди.

Сурхондарё вилоят радиотелевизион узатиш маркази жамоаси Учқизил станцияси ходими Анваржон АЛЛАМУРДОВНИ таваллуд кунини билан муборакбод этади. Унга соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Марғилон шаҳар почта алоқаси тармоғи 1-алоқа бўлими тезкор ишчиси Азизжон МИРЗАТОВШЕВНИ 50 ёшга тулиши муносабати билан чин дилдан табриклайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахти-камолини кўриб яшашликни тилайди.

Азиз муштарийлар!

«Хабар» газетасига обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичи — 228

